

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

**«Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари» йўналиши**  
**кундузги бўлим IV босқич**

**413 -гуруҳ битирувчиси Кенжаев Озоджон Эркинжоновичнинг « Ўрта**  
**Осиё мутафаккирлари ахлоқий қарашларининг муҳим хусусиятлари»**  
**мавзусидаги**

# **БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар:**

**ўқитувчи, Д.Норматова**



Фарғона - 2011 йил

# Мундарижа

<b>Кириш</b> .....	3-6
1. Боб. Ўрта Осиёда ахлоққа оид фикрларнинг шаклланиш ва ривожланиш шарт-шароитлари.	
1.1. Ўрта Осиёнинг энг қадимий ёзма ёдгорликларида ахлоқ масалалари.....	7-16
1.2. Ахлоқий мерос ва ижтимоий раънақ диалектикаси.....	17-34
2. Боб. Ахлоқ таракқиётининг назарий-фалсафий асослари ва унинг асосий босқичлари.	
2.1. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон. Беруний ва Абу Али ибн Синонинг ахлоқий қарашлари.....	35-49
2.2. Алишер Навоий асарларида ахлоқ масалалари.....	50-55
Хулоса.....	56-61
Фойдаланилган адабиётлар.....	62-63

## Кириш

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида босиб ўтган зафарли йўли, беқиёс улкан ютуқлари халқимизнинг минг йиллик тарихининг қонуний маҳсулидир. Ушбу тарихий ҳақиқатни Республикамиз Президенти И.А.Каримов ўз асарлари, нутқлари ва ёшлар билан учрашувларида такрор ва такрор таъкидлаб ўтади. “Шуни мамнуният билан кайд этиш лозимки, эзгу фазилат ва интилишлар халқимизнинг қон-қони ва суяк-суягига сингиб кетган,- дейди Президентимиз,- Унинг табиатига хос бўлган юксак маънавият неча асрларки бизни не-не бало-қазолардан, тўфон ва бўронлардан соғ-омон асраб келмоқда. Ҳар қандай босқин ва истилоларга қарамасдан, ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам ота-боболаримиз ўзлигини йўқотмасдан, маънавият ҳаёт мезонлари, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб, комиллик сари интилиб яшагани бугун ҳам барчамизга ибрат бўлиб, куч-қувват бағишлаб келмоқда”<sup>1</sup>.

Халқимизнинг табиатидаги юксак маънавият, одоб-ахлоқ мезонлари унинг ғоят бой инсонийлиги, ҳаётий тажриба ва чуқур фалсафий тафаккур билан суғорилган ахлоқий меросида мужассамлашган. Баркамол инсон шахсини шакллантириш нафақат маънавий-маърифий ишларнинг бош вазифасига, балки давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги халқимизнинг улкан ва мўътабар ахлоқий меросини, унинг фалсафий мазмун-моҳиятини фалсафа тарихи, қолаверса тарих фалсафаси нуқтаи-назардан илмий-назарий таҳлил ва тадқиқ этишни долзарб мавзу қилиб қўяди. Зеро, тадқиқотчи олимлар қайд этганларидек, Ўрта Осиё тарихида ўз асарлари, фалсафий трактатларида ахлоқ муаммоларига тўхталмаган биронта ҳам табиатшунос, файласуф, санъаткор, тарихчи, шоир ёки адабиётчини топиш қийин<sup>2</sup>.

Ахлоқий меросимизни, унинг сарчашмаларини ўрганиш, уларни фалсафий таҳлил қилиш, ахлоқ халқимизнинг маънавияти, ақл-заковати, ҳаётий турмуш тарзини ўзаги бўлиб келганлигини баркамол авлодга етказиш, “Ахлоқ –

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Юксак маънавият- енгилмас куч. Тошкент: Маънавият,2008 йил, Б.-7

<sup>2</sup> Қаранг. Х.А.Аликулов. Этические воззрения мыслителей Средней Азии и Хорасана. Тошкент: Фан, 1992, С. 3.

бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани” эканлигини аждодларимизнинг ўлмас фалсафий мероси асосида тушунтириш фалсафа тарихининг муҳим мавзуси бўлиб турибди.

Ўрта Осиёдаги фалсафий ва ахлоқий тафаккурнинг дастлабки куртаклари фольклорда, қадимий эртақлар, афсоналар, ривоятларда, қахрамонлар ҳақидаги эпосларда, мақолларда ўз ифодасини топган оғзаки халқ ижодини бир қадар онгли тарзда умумлаштириш билан характерланади. Ёзув пайдо бўлишига қадар халқ руҳини ифодаловчи мазкур шакллар қадимий кишилар маънавий етуклигининг бирдан-бир манбаи бўлган, дейиш мумкин.

Ушбу мавзу ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси, уларни ахлоқан етук, баркамол инсон қилиб вояга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

**Тадқиқот мавзуининг долзарблиги.** **Биринчидан**, халқимизнинг етук инсон тарбиясига бағишланган ахлоқий, баркамол авлод ва шахс маънавиятини шакллантиришдаги ўрни ва роли беқиёс эканлиги; **иккинчидан**, аждодларимизнинг ахлоқ ва ахлоқийлик ҳақидаги таълимот ва қарашларининг йиғиндиси ахлоқий мероснинг яхлит тарихий-фалсафий фанининг таркибий қисми, илмий-назарий соҳаси эканлиги; **учинчидан**, мамлакатимизда маънавий юксалиш суръатлари ошиб бораётган, кадриятлар тизими алмашинаётган, миллий ўзликни англаш, маънавий кадриятларимизни асраб-авайлаш муҳим аҳамият касб этаётган ҳозирги шароитда миллий ахлоқий мерос билан умумбашарий ахлоқий мероснинг уйғунлашуви жараёнинг ўзига хос хусусиятларини фалсафа тарихи ҳамда ахлоқшунослик фанлари нуқтаи-назаридан таҳлил қилишнинг муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этиши; **тўртинчидан**, ахлоқий мерос тамойиллари тарихий даврлар силсиласида такомиллашиб борганлиги, ахлоқий мероснинг хусусиятлари, илғор ва консерватив ғояларнинг кураши, ахлоқий ғоялар хилма-хиллиги сингари масалаларни тарихийлик ва ворисийлик тамойиллари асосида ўрганишнинг зарурлиги; **бешинчидан**, ахлоқий меросни илмий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этишнинг, миллий ғоя моҳиятини халқимиз, айниқса ёшлар онгига сингдириш, худбинлик, шахсиятпараслик, лоқайдлик каби иллатлардан халос

этиш борасида олиб бориладиган маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши; **олгинчидан**, Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихининг муҳим қисми бўлган, инсонпарварлик, адолатпарварлик, диний ва миллий бағрикенглик, маърифатпарварлик каби умуминсоний ғоялар билан суғорилган ахлоқий мерос Ўзбекистонда яшовчи барча халқ, миллат, элат, ижтимоий қатлам ва дин вакиллари тинч ва тотув яшашига кўмаклашиши, диний мутаассиблик, экстремизмга қарши курашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз файласуф олимлари Мўминов И.М<sup>1</sup>, Зоҳидов В.Й<sup>2</sup>, Хайруллаев М.М<sup>3</sup>, Алиқулов Х, Шайхова Х, Шарипов А. Марказий Осиё халқлари маънавий меросидаги ахлоқий таълимотлар, улардаги инсонпарварлик, адолатпарварлик, халқаро дўстлик ғояларининг умумбашарий аҳамияти ҳақидаги тадқиқотларни амалга оширдилар.

Мустақиллик йилларида республикамиз файласуфлари, хусусан Э.Юсупов, Й.Жумабобоев, Н.Комилов, Х.Шайхова, Қ.Назаров, Б.Очиловлар томонидан тадқиқ қилинаётган мавзунинг айрим масалаларини миллий ғоя ва мустақиллик мафкураси тамойиллари асосида ёритилган қатор тадқиқотлар амалга оширилди<sup>4</sup>. М.Жакбаров, З.Тўлаганов, Ш.Бобожонова лар томонидан докторлик ва номзодлик диссертациялари ёқланди<sup>5</sup>. Мавзунинг баъзи масалалари бир неча хорижий тадқиқотчилар, чунончи, Л.М. Лопатин,

<sup>1</sup> Мўминов И.М. Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари. Танланган асарлар. I том. -Тошкент: Фан, 1975.

<sup>2</sup> Зоҳидов В.Ю. Мир идей и образов Алишера Навои. -Ташкент: Государственное издательство художественной литературы УзССР. 1961; Зоҳидов В.Й. Улуғ шоир ижодининг қалби. - Тошкент: Ўзбекистон, 1975

<sup>3</sup> Хайруллаев М.М. Мировоззрение Фараби и его значение в истории философии. Ташкент: Фан, 1967; Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. -Тошкент: Фан, 1972; Хайруллаев М.М., Шораҳмедов Д. Маданият ва мерос. - Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1973; Алиқулов Х. Шарқ мутафаккирлари ахлоқ ҳақида. - Тошкент: Фан, 1979; Алиқулов Х. Этические воззрения мыслителей Средней Азии и Хорасана. -Ташкент: Фан, 1992; Шайхова Х. Маънавий ҳаёт ва ахлоқ. -Тошкент: Фан , 1978; Шарипов А.Д. Великий мыслитель Беруни. -Ташкент: Фан, 1972.

<sup>4</sup> Юсупов Э. Қадриятлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни. - Тошкент: 1996; Комилов Н.Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. I-китоб, - Тошкент: Ёзувчи, 1996; Жумабобоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараккиёти тарихидан. - Тошкент: Ўқитувчи, Зиё-ношир, 1997; Шайхова Х., Назаров Қ. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. -Тошкент: 1992; Жўраев Н. Тарих фаолафаси. -Тошкент: Маънавият, 1999; Очилова Б. Шахс маънавий камолотида ихлосмандлик ва ибрат бирлиги. - Тошкент: Ўзбекистон 2004.

<sup>5</sup> Жакбаров М. Проблемы социального идеала и современной личности в философской мысли Мавереннахра XIX-XX вв. Автореф. дис.на соиск.док.филос.наук. -Ташкент.: 2000; Туляганов З. Проблемы морали и этические аспекты науки в трудах Абу Райхана Беруни. Авт.дис.на соиск.уч.степени канд.филос.наук. 1992; Бобожонова Ш. Заҳрирдин Муҳаммад Бобурнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари. Фалс. фан.ном. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореф. Тошкент.: 2002.

Р.В.Петропавловский, И.Т. Фролов, Савантер Фернандо, Хабермас Юрген, К.Поппер, Ф.А. Хайек<sup>1</sup> томонидан ҳам у ёки бу даражада ёритилган.

Улуғ аждодларимизнинг инсонпарварлик, адолатпарварлик, бағрикенглик, маърифатпарварлик туйғулари билан йўғрилган ахлоқий ғоялари ва қарашларининг умумжаҳон маънавий қадриятлари ривож тарихида тутган ўрнига баҳо берилган.

---

<sup>1</sup> Лопатин Л.М. Статьи по этике. СПб.: Наука. 2004; Петропавловский Р.В. Диалектика прогресса и её проявление в нравственности. М.: Наука, 1978; Фролов И.Т. Перспектива человека. М.: 1979; Савантер Фернандо. Беседы об этике. (Свобода – делай что хочешь?) В.кн. Для внеклассного чтения. М.: 2000; Хабермас Юрген. Моральное сознание и коммуникативное действие. // Пер. с нем. СПб.: Наука.2000; Попер К. Открытое общество и его враги. т.1. М.1999; Хайек Ф.А. Пагубная самонадеянность. М.: Новости. 1992.

## **1. Боб. Ўрта Осиёда ахлоққа оид фикрларнинг шаклланиш ва ривожланиш шарт-шароитлари.**

### **1.1. Ўрта Осиёнинг энг қадимий ёзма ёдгорликларида ахлоқ масалалари.**

Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаёти қадимги даврларда қай даражада ривожланганлиги ҳақида биз жуда кам нарса биламиз. Ахлоқ ва ахлоқ тўғрисидаги билимлар инсоният маънавий меросининг энг қадимги шаклларида биридир. Унинг вужудга келиши ва шаклланиши ҳақида турлича қарашлар мавжуд бўлиб, собиқ иттифок давридаги адабиёт ва дарсликларда у дастлаб Рим, Греция, Ҳиндистон, Хитой мутафаккирлари томонидан яратилган ва муомалага киритилганлиги ҳақида фикр юритилади<sup>1</sup>.

Ахлоқнинг юзага келиши инсоннинг ўз индивидуаллигини, ўз вазифалари ва ижтимоий фаолиятини англаб олиши билан боғлиқдир. Инсоният жамиятининг қарор топиши – айтиб беришда хулқ-атвор ахлоқий меъёрларининг қарор топиши ҳамдир. Мифологик ва афсонавий қаҳрамонларнинг образлари халқ хотирасида асрларча яшаб ва қайта ўзгартирилиб келдики, уларнинг акс-садолари ҳозирги кунга қадар Ўрта Осиё халқларининг, шу жумладан ўзбек халқининг бадиий ижодида ҳам сақланиб қолган. “Китоби Жамшид”, “Эрхубби афсонаси” каби ўзбек эртақлари, фольклор асарлари, бир қанча қадимий шаҳарлар, қалъалар ва ҳоказоларнинг бунёд этилиши ҳақидаги афсоналар ва ривоятлар бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ўрта Осиё халқларининг мифологияси ва афсоналари қаҳрамонона эпос учун замин тайёрлаб берди. Бизгача етиб келган ёзма ёдгорликлар қолдиқлари далолат бериб турганидек. Ўша қадимий замонларда Ўрта Осиёдаги скиф кўчманчилари ва ўтроқ халқлар орасида кўпгина эпик ривоятлар бўлиб, уларнинг асосида Ўрта Осиё халқларининг ватанпарварлик кураши ташкил этган. Бу ривоятларда ватанга ва хурриятга бўлган қизгин муҳаббат

---

<sup>1</sup> Марксча-ленинча этика асослари. Дарслик. – Тошкент: Фан, 1967 йил, Б.4

тараннум этилади; уларда ор-номус, дўстларга ва сафдошларга садоқат каби энг эзгу инсоний туйғулар ўз ифодасини топади. Ўз бурчини адо этиш, душман устидан ғалаба қилиш йўлида қаҳрамонлар ўз жонларидан кечишга, ҳар қандай машаққатларга бардош беришга, севги-муҳаббатдан кечишга, ўз қабиладошларининг ор-номуси учун то охиригача курашишга шай турадилар. Эпос қаҳрамонларининг асосий ахлоқий белгилари – мардлик ва жасоратдир. Куч ва мардлик қадимий замон кишиларининг энг биринчи ва энг зарур фазилатлари бўлган.

Мустақилликдан кейин эълон қилинган фалсафий адабиёт, дарслик ва қўлланмаларда эса ахлоқ бир неча минг йиллик тарихга эга эканлиги, у Шарқда "Илми равиш", "Илми ахлоқ", "Ахлоқ илми", "Одобнома" каби хилма-хил номлар билан аталиб келинганлиги аниқ далиллар асосида баён этилган<sup>1</sup>.

Ахлоқшунослик Европа мамлакатларида "Этика" номи билан аталиб, барча ўқув юртларида фан сифатида ўқитилиб келинган. "Ахлоқ" юнонча ethos (одат, характер) сўзидан олинган бўлиб, урф-одат, хулқ, феъл, фикрлаш тарзи маъноларини англатган. Бу тушунчани дастлаб юнон файласуфи Аристотел қўллаган ва илмий муомалага киритган, уни фан даражасига кўтариб, "Этика" деб атаган.

Ўзбек тилида қўлланиладиган "Ахлоқ" сўзи арабчадан олинган бўлиб, "хулқ" сўзининг кўплик шакли ҳисобланади ва икки хил маънога эгадир. Биринчидан, у фаннинг тадқиқот объектини англатади, иккинчидан эса муайян тушунча сифатида инсон хатти-ҳаракати, феъл-атворининг кенг қамровли мазмунини ифода этади. "Ахлоқ"- у ёки бу социал гуруҳ, жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор, мулоқот ва ўзаро муносабат нормаларининг мажмуаси, одамлар ўртасидаги муносабатларнинг бошқаришнинг ўзига хос типидир"<sup>2</sup>.

Ахлоқшунослик маъносида қўлланиладиган этика инсонга хос барча инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган, ўрганадиган қарашлар

---

<sup>1</sup> Шер Абдулла. Ахлоқшунослик -Тошкент: Янги аср авлоди. 2003.Б.7

<sup>2</sup> Қаранг: Новейший философский словарь. Минск, 1999. С. 441.



йиғиндиси. Лекин бу даражага эришгунига қадар унда турли йўналишлар, оқимлар вужудга келган. Булар: объектив, субъектив, диний, илмий-фалсафий йўналишлар бўлиб, улар ахлоққа турлича муносабатда бўлганлар. Масалан, объектив идеалистлар ахлоқни абсолют руҳ сифатида таърифласа, субъектив идеалистлар уни инсон ички кечинмалари, яъни ҳис-туйғуларининг маълум бир йиғиндиси деб қараганлар. Фалсафий тафаккур тарихи шуни кўрсатадики, ахлоқ инсоният тараққиёти босқичларида шаклланиб ва ривожланиб келган ижтимоий онг шаклларида биридир. У, биринчидан, реал ҳаётда ахлоққа хос бўлган одоб, хулқ-атвор, урф-одатнинг ҳамма меъёрий талаблари мужассамлашган. Иккинчидан, ахлоқий меъёрлар мавжуд ижтимоий-тарихий муҳитда инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқалар, муносабатларнинг йиғиндиси дир. Учинчидан, ахлоқ хулқ-атвор нормалари, қоидаларининг инсон онгидаги инъикоси бўлиб, унинг инсон амалий фаолиятида узоқ вақт такрорланиши жараёнида вужудга келган ҳодисадир.

Демак, ахлоқ илоҳий ҳам эмас, киши ички руҳий кечинмалари ҳам эмас, балки кишилар кундалик фаолияти, ижтимоий турмуш тарзи тақозоси билан умумлаштирилган ҳолда вужудга келган ижтимоий ҳодиса бўлган. Шундай экан, ахлоқ ва ахлоқий қоидалар кишиларнинг моддий ҳаётидан, ўзаро иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий алоқа ва муносабатларидан келиб чиққан.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда ахлоқий ҳодисанинг уч томонини: ахлоқий онг, ахлоқий фаолият ва ахлоқий муносабатни кўрсатиб ўтиш зарур. Шу ўринда «Авесто»да таъкидланган инсонга хос уч фазилат: эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал тўғрисидаги фикрни эслаш ўринлидир. Бинобарин, инсон жамиятдан ташқарида, ундан ажралган ҳолда яшай олмайди. Ундаги барча инсоний фазилатлар ижтимоий муҳитда шаклланади. Инсонга хос фазилатлар – яхшилик, одоблилик, адолатлилик, эркинлик, бурч, виждон, поклик, бахт, ор-номус, инсонпарварлик, ҳалоллик, поклик камтаринлик, ўзаро ёрдам, хушхулқлилик, сабр-тоқатлилик, меҳнатсеварлик ва бошқа олижаноб хусусиятлардан иборатдир.

Шуни айтиш лозимки, ахлоқ ҳақидаги фикрлар ўрта асрларда Марказий Осиёда қатор тарихий-фалсафий асарларда, ҳамда ахлоқшунослик ҳақида ёзилган махсус қўлланмаларда баён этилган. Бундай асар ва қўлланмалар сирасига Абу Наср Форобийнинг “Фазилат, бахт – саодат ва камолот ҳақида”, “Фозил шаҳар одамларининг қарашлари”, Ибн Синонинг “Ахлоқ илми”, “Тадбир-э манзил”, Ибн Мискавейхнинг “Таҳзибул ахлоқ ”, Насриддин Тусийнинг “Ахлоқи Носирий”, Жалолиддин Давонийнинг “Ахлоқи Жалолий”, Алишер Навоийнинг “Маҳбубул қулуб”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний”, А.Авлонийнинг “ Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” ва бошқалар киради. Уларда ахлоқ масалалари, асосан назарий, тарихий-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилинади: ахлоқ илмининг предмети, мақсад ва вазифаси, унинг амалий фалсафага мансублиги ва бошқалар ҳақида фикр юритилади. Уларда ахлоқ категориялари, тушунчалари, ҳулқ-одоб қоидалари, таълим-тарбия масалалари таҳлил қилинади.

Булардан ташқари ахлоқ ва таълим-тарбия ҳақидаги фикрлар халқ оғзаки ижодида, хусусан, “Гўрўғли”, “Манас”, “Алпомиш”, “Шоҳсанам ва Ғариб”, “Рустами достон” ва бошқаларда ўз инъикосини топган. Уларда севги-муҳаббат, Ўрта Осиё халқларининг чет эл босқинчиларига қарши қаҳрамонона кураши, мардлиги ва жасорати, уюшқоқлиги тасвирланган. Булардан ташқари, ахлоқ ва таълим-тарбияга оид фикрлар турли панднома, васиятнома ва насиҳатномаларда баён қилинган. Бундай рисолалар мусулмон Шарқида кенг тарқалган бўлиб, улар жумласига “Қобуснома”, “Рушнома”, Законийнинг “Сад панд”, “Афлотун васиятлари”, “Арастуниг Искандарга насиҳати” ва бошқалар киради. Шунингдек, Жомий ва Навоийларнинг асарларида ҳам панд-насиҳатлар мавжуд. Уларда содда ва тушунарли тилда кишиларни гўзал фазилатларни эгаллашга, фосиқ ва ярамас кишилар билан алоқа қилмасликка чақирилади. Пандномаларда ҳукмдорлар фозил, раҳмдил, софдил ва меҳрибон бўлиши, фуқароларнинг ғам-ташвишларидан бохабар бўлиши тўғрисидаги фикрлар олға сурилади. Ушбу насиҳатларда илм-фан ва касб – ҳунар эгаллаш, донолик, ростгўйлик, сахийлик, нафсни тийиш, дўстлик ва биродарлик, устоз ва шогирд

муносабатларига катта эътибор берилади. Ахлоқий кадриятлар, бадиий адабиётда, ижтимоий – сиёсий ва ахлоқий масалаларга оид илмий асарларда кўзга ташланади. Бадиий адабиёт ва шеърят намояндалари аллегорик (мажозий) образлар тарзида, рамзий шаклда ўз даврининг ахлоқсизликлари, ноҳақлик ва адолатсизлигини танқид қилдилар. Айниқса ғазал ва рубоийларда содда ва равон тилда ахлоққа хилоф хатти – ҳаракатлар, зодагонларнинг ярамас одатлари фош қилинди.<sup>1</sup> Буюк алломалар маънавий меросини тарихий давр билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Ахлоқ инсон маънавий-маданий меросининг таркибий бир қисми бўлиб, у ўз мазмун-моҳиятига эга. Ахлоқ ва ахлоқий мерос ахлоқшунослик фанининг муҳим соҳаси бўлиб, ижтимоий борлиқнинг инъикоси, муайян жамиятдаги кишиларнинг ўзаро бир-бирларига бўлган муносабатларидаги хулқ-атвор меъёрлари ва қоидалари йиғиндисиدير. Шу туфайли ҳам инсон ёки алоҳида киши уни яқка ҳолда юзага келтира олмайдиган ижтимоий ҳодиса. У атрофдаги кишилар билан ўзаро муносабатларда шу жамиятга хос бўлган ахлоқ мажмуаси, шу жамиятга мансуб бўлган одамлар гуруҳи томонидан давом эттириладиган, моҳият-мазмун ва вазифасига кўра бир бутунликни ташкил қиладиган тушунча.

Ахлоқ тарихий тараққиёт жараёнида вужудга келган ижтимоий ҳодиса бўлиб, у киши хулқи ва хатти-ҳаракатларини маълум тартибга солиб, жамиятни бошқариш вазифасини ўз зиммасига оладиган, кези келганида уларни баҳолайдиган, белгилайдиган қарашлар, тасаввурлар, қоидалар йиғиндиси бўлиши билан бирга, ахлоқий онг, ахлоқий амалиёт ва ахлоқий муносабатларнинг энг мураккаб бирлигидан ташкил топган фалсафий тушунчадир.

Ахлоқ кишиларнинг ишлаб чиқаришдаги, жамият ва оиладаги турли-туман муносабатлари, муайян феъл-атвор меъёрлари, қоидалари шаклида одамлар онгида яхши, ёмон, адолат, ноҳақлик, бахт, бахтсизлик, виждон,

---

<sup>1</sup> Алиқулов Х.А. Этические воззрения мыслителей Средней Азии и Хорасана.(XIV-XV вв), - Тошкент: Фан, 1992. С. 19

виждонсизлик, шараф-шон, бурч, ор-номус, беномуслик каби тушунчалари воситасида жамиятдаги одамлар ўртасидаги ижтимоий-маънавий муносабатларни акс эттиради. Бошқача қилиб айтганда, ахлоқ шахс хулқ-атворини тартибга солишга, айрим индивидлар хатти-ҳаракатларини бошқа кишилар манфаатлари билан мувофиқлаштиришга, кишиларни тарбиялаш усуллариغا, муайян ахлоқий сифатларни яратиш ва такомиллаштиришга оид қарашлар, тасаввурлар, меъёрлар ва баҳолар мажмуасидир.

Ахлоқий мерос ҳамма замонларда ҳам ўзида жамиятга хос бўлган барча ўзгариш ва зиддиятларни акс эттириб келган. Ахлоқий мерос ижтимоий турмушнинг оддий ёки кундалик қоидалари бўлиб, улар бир неча минг йиллар мобайнида шаклланиб вужудга келган. У бир ижтимоий тузумдан бошқасига "соф" ҳолда ўтмаган. Улардан баъзилари янги шароитда яшай олмасликларини кўрсатган. Бошқалари эса ўз навбатида салбий рол ўйнаган. Айримлари замонлар алмашуви билан ўз моҳият ва мазмунини йўқотган. Айримлари эса, давр руҳи таъсири остида қайта ўзгариб, такомиллашиб, халқ маънавий-маданиятининг мустаҳкам хазинасини бойитган.

Ахлоқий мерос умуминсоний хусусиятга эга бўлиб, маданий тараққиётда бўлгани каби, ворисийлик қонунига амал қилиб келган. Бу хусусиятлар жамиятнинг оддий қоидаларидан иборат эмас. Умуминсоний моҳият ва мазмунга эга бўлган ахлоқий мерос янги тарихий давр талабларини ўзида акс эттирувчи илғор ахлоқий ғоялар ҳисобига муттасил такомиллашиб борган. Бу, айниқса, давр тақозоси туфайли жамият ҳаётида ўз вазифасини ўтаб бўлган ахлоқий ғоялар ўрнига келган янги ахлоқий қадриятларда кўзга ташланади. Инсониятнинг маънавий мулкига айланган ахлоқий мерос умуминсонийликка зид бўлган барча ходисаларни ижтимоий ҳаётдан супуриб ташлайди ва авлодларимиз томонидан бизга мерос бўлиб қолган умуминсоний ахлоқий қоидаларга янги маъно беради. Демак, ахлоқдаги умуминсонийлик қотиб қолган ёки ижтимоий ҳаётдаги воқелик билан боғланмаган ахлоқий қоида-қонунларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки мураккаб ижтимоий жараёндир.

Ахлоқий мерос тушунчасининг моҳияти ва мазмуни ҳақида фикр юритилганда, ҳамма вақт муайян жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий гуруҳларнинг маънавий эҳтиёжлари, талаблари, истаклари, хоҳишларини қай даражада акс эттиришига эътибор берилади. У ўз мазмуни ва моҳияти заминида ушбу тушунчалар қандай мақсадга мувофиқ келишига ҳам эътибор қаратади. Мақсадга мувофиқ келган бу тушунчалар ўз навбатида догматик характерга эга бўлмай, балки жамиятнинг маънавий ривожланиши билан узвий боғлиқ ҳолда таракқий этади, у авлоддан-авлодга ахлоқий мерос сифатида ўтади.

**Ахлоқий мерос жамият, замон, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси, инсоний камолот даражасини белгиловчи, баҳо берувчи маънавий ҳодисадир.**

Ахлоқий мерос инсоният маънавий меросининг таркибий қисми. У ўтмиш авлодлардан инсониятга қолган ва танқидий ёндашилиши, қайта кўриб чиқилиши, замоннинг аниқ вазифалари ҳамда ижтимоий таракқийётнинг объектив мезонлари асосида баҳоланадиган ва фойдаланиладиган барча ахлоқий хатти-ҳаракатлар мажмуасидир.

Ахлоқий мероснинг илдизлари жуда узоқ тарихга эга бўлиб, шарқда «Авесто»га бориб тақалади. «Авесто»да инсонга хос ахлоқий қадриятларнинг моҳияти ва мазмуни ёрқин акс этган. "Авесто, шак-шубҳа йўқки, Ўрта Осиё халқларининг ахлоқ-одоби қарор топиши ва ривожланиши тарихини ўрганиш учун бебаҳо манбадир"<sup>1</sup>, - деб ёзган эди академик И.Мўминов.

Унда ғаразгўйлик, ҳасад, манманлик, фитна-фасод, ўғрилик, талончилик, бегоналарнинг мол-мулкига кўз олайтириш, хиёнат қилиш, бевурдлик қаттиқ қораланган, ваъдага вафо қилиш, холислик, ўзаро ҳурмат, севиш ва севилиш, ер, сув, олов, ҳавога нисбатан эътиборли-эъзозли бўлиш каби маънавий–ахлоқий қадриятлар улуғланган. «Авесто» инсониятнинг, хусусан ўзбек халқининг буюк фалсафий-маънавий, ахлоқий меросидир.

---

<sup>1</sup> Мўминов И.Избр. произ., т. 3. - Тошкент: Фан, 1972, С.110

Ахлоқий меросни, умуман ахлоқий тараққиётни тўғри талқин этишда ворислик тамойили муҳим аҳамиятга эгадир. Ахлоқ тараққиётидаги ворислик, энг аввало, ахлоқ соҳасида ўтмишдан сақланиб келинган бойликлардан тўғри фойдаланишни, уларни чуқур ва оқилона ўрганишни англатади. Бундан кўринадики, ахлоқий меросдаги ворислик масаласига ҳам жиддий ва эҳтиёткорона муносабатда бўлиш зарур.

Ворислик хусусиятига эга бўлган ахлоқий мерос ҳақида фикр юритилганда бевосита Шарқ халқларининг ўтмишига, ўтмиш аجدодларимиз томонидан бизга маданий, ахлоқий мерос сифатида етиб келган оғзаки ва ёзма ёдгорликлар, хусусан "Авесто" ва унда баён этилган шахс ахлоқий фазилатларига алоҳида эътибор берилган.

"Қадимги Турон замин ва Эрон заминидаги ахлоқий тафаккур тараққиёти Зардўштийлик динининг вужудга келиши билан боғлиқ. Тахминан 30 аср муқаддам ёзила бошлаган бу диннинг қадимги Хоразмда яратилган "Авесто" деб аталган муқаддас китобида асосий ахлоқий фазилатлар санаб ўтилади, талқин этилади"<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, яхшилик ва ёмонлик каби азалий қарама-қаршилик ўртасидаги кураш ва бунда инсонийлик ғалабаси ҳақидаги эзгу ғояларни ўзида ифода этган "Авесто"да одамлар фикру-зикри, амалий ишлари, яхши ахлоқий қилмишлари билан яхшиликка мойил эканликларини кўрсатишлари ва бу билан ёвуз кучларга қарши курашда яхшилик руҳига кўмаклашишлари лозим, акс ҳолда номуносиб хатти-ҳаракат қилувчи киши осонгина ёмонлик тузоғига илиниб қолиши мумкин.

Ахлоқий меросимизнинг дурдоналарини ўзида ифода этган «Авесто» фақат бир халқ, бир миллатга хос бўлган ахлоқий ғояларни ўзида ифода этибгина қолмай, балки турли-туман халқлар ва элатларнинг ҳам ахлоқий тасаввурларини ўзида акс эттирган. Араблар истилоси, гарчи босқинчилик манфаатларига қаратилган бўлса-да, аммо унинг оқибатлари кейинчалик

---

<sup>1</sup> Абдулла Шер. "Ахлоқшунослик". Тошкент: "Янги аср авлоди", 2003 й, Б.24 Махмудов Т. "Авесто ҳақида". Авесто. Тарихий – адабий ёдгорлик Аскар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ Б.34

ижобий хусусиятга эга бўлди. Араб босқинчилари Абу Райҳон Беруний кўрсатиб ўтганидек, маҳаллий аҳоли яратган маданий бойликларни, ёзувни, китобларни ёқиб юборди. Айтиб ўтиш керакки, улар Шарқ ва Ғарб маданиятини уйғунлашувида кўприк ўлиб хизмат қилди.

IX-XV асрлар ўрта Осиё минтақаси ижтимоий ҳаётида жуда катта ижтимоий ўзгаришлар бўлиб берди. Маданий ҳаётда ижобий ўзгаришлар юз берди. Маданият ва унинг ўзига хос томонлари шаклланди.

Бу даврга келиб, биринчидан, дунёвий ва диний маърифатга интилиш, бу йўлда ўтмиш ва кўшни мамлакатларнинг маданияти ютуқларидан кенг фойдаланиш, иккинчидан, табиатга қизиқиш, ақл кучига ишониш, ҳақиқатни инсон илмининг асоси деб ҳисоблаш, учинчидан, табиатнинг улуғ неъматлари – инсонни улуғлаш унинг ақлий, табиий, бадиий, маънавий фазилатларини асослаш, инсонпарварлик, юқори ахлоқий қонун ва қоидаларни намойиш этиш, комил инсонни тарбиялашни мақсад қилиб қўйиш бу давр маданиятининг муҳим томонлари эди.

Марказий Осиёлик мутафаккирлар, биринчидан, қадимги Юнонистон, Ҳиндистон, Миср, Эрон ва араб мамлакатлари маданий меросига, ахлоқига ҳурмат билан қараганлар, уларни ижодий ривожлантирдилар. Иккинчидан, ўзлари ҳам оригинал асарлар яратиш, илғор ахлоқий таълимотларга асос солганлар. Бу таълимотлар мазмунида инсон шахси, унинг энг яхши хислатлари юксакликларга кўтарилди, илм-фан кадрланди, умуминсоний ва инсонпарварликка асосланган қадриятлар мадҳ этилди. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ўрта аср Марказий Осиё мутафаккирлари - Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқаларнинг ахлоқ ҳақидаги фалсафий қарашлари ва таълимотлари шахс маънавий-ахлоқий ривожига алоҳида аҳамият касб этади.

Араблар истилоси, гарчи босқинчилик манфаатларига қаратилган бўлса-да, аммо унинг оқибатлари кейинчалик ижобий хусусиятга эга бўлди. Араб босқинчилари Абу Райҳон Беруний кўрсатиб ўтганидек, маҳаллий аҳоли

яратган маданий бойликларни, ёзувни, китобларни ёқиб юборди. Айна бир вақтда улар Шарқ ва Ғарб маданиятини уйғунлашувида кўприк бўлиб хизмат қилди.

IX-XV асрлар Ўрта Осиё минтақаси ижтимоий ҳаётида жуда катта ижтимоий ўзгаришлар рўй берди. Маданий ҳаётда ижобий ўзгаришлар юз берди. Маданият ва унинг ўзига хос томонлари шаклланди.

Бу даврга келиб, биринчидан, дунёвий ва диний маърифатга интилиш, бу йўлда ўтмиш ва қўшни мамлакатларнинг маданияти ютуқларидан кенг фойдаланиш, иккинчидан, табиатга қизиқиш, ақл кучига ишониш, ҳақиқатни инсон илмининг асоси деб ҳисоблаш, учинчидан, табиатнинг улуғ неъматини – инсонни улуғлаш унинг ақлий, табиий, бадиий, маънавий фазилатларини асослаш, инсонпарварлик, юқори ахлоқий қонун ва қоидаларни намоён этиш, комил инсонни тарбиялашни мақсад қилиб қўйиш бу давр маданиятининг муҳим томонлари эди.



## 1.2. Ахлоқ ва ижтимоий равақ диалектикаси.

Агар жамиятда иқтисод, сиёсат ва маънавиятда ўзгаришлар рўй берса, кишиларнинг ахлоқий қарашларида ҳам ўзгаришлар юз беради. Бу ҳол, айниқса, бир тузумнинг иккинчи тузум билан алмашинуви даврларида содир бўлади. Ижтимоий тараққиёт ахлоқий тараққиёт учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шўролар даврида чоп этилган адабиётларда асосан ахлоқий тараққиёт синфийлик билан боғлиқ ҳолда талқин қилинган. Ахлоққа синфийлик нуқтаи назардан ёндошув ахлоқ тарихи бўйича тадқиқотларнинг ўзагини ташкил этган. Р.В.Петропавловскийнинг фикрига кўра, синф жамиятда ёки муайян тузумда қандай бўлса, ахлоқ ҳам шундай бўлади. "... агар, - деб хулоса қилади олим, - синф, яъни, унинг фаолияти жамиятни юқори тарихий босқичга кўтарса, унда ўша синфнинг манфаатини акс эттирувчи ахлоқ ҳам илғор бўлади. Агар синф реакцион бўлса, умуман олганда, унинг ахлоқи ҳам реакцион бўлиб, ахлоқий равақ учун тўғаноқ хизматини ўтайди"<sup>1</sup>. Лекин, иккинчи томондан Р.В.Петропавловскийнинг айтишича, мутлақ реакцион бўлган ва ахлоқий тараққиёт учун мутлақ ҳеч нарса бермаган, илғор бўлмаган синф тарихда топилмайди<sup>2</sup>. Файласуф ахлоқий равақда умуминсонийликнинг ўрни беқиёс эканлигини инкор қилмаган ҳолда, ахлоқдаги бутун ижобий ходисаларни умуминсонийликка нисбат берилишига қарши чиқади. Боз устига бу китобнинг муаллифи ахлоқий равақ бу – умуминсоний элементларнинг ахлоқда кўпайиб боришидир, деган фикрларга қўшилмайди<sup>3</sup>. Бу шуни кўрсатадики, - ўша даврда ҳам ахлоқий тараққиётни умуминсонийликка боғлаб тушунтирган олимлар ҳам бўлган. Аслини олганда ахлоқдаги тараққиёт умуминсоний қадриятлар, инсопарварлик ва адолатпарварлик ғояларини секин-аста, қуйидан юқorigа қараб, диалектик равишда кўпайиб бориши билан белгиланади.

<sup>1</sup> Петропавловский Р.В. Диалектика прогресса и её проявление в нравственности. -М., Наука, 1978. С 140

<sup>2</sup> Петропавловский Р. В. Диалектика прогресса и её проявление в нравственности. -М.,Наука, 1978.С 141.

<sup>3</sup> Ўша китоб. С.164-165

Жамият тараққиётининг муҳим мезонларидан бири - унинг ахлоқий жихатдан етуклигидир. Ахлоқий етукликнинг кўрсаткичлари жамиятнинг ахлоқий бирликка эришганлигида, одамларнинг ҳаётий фаолиятида ахлоқий асосларнинг ўсиб боришида, ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан ўзаро ахлоқий муносабатларнинг янги йўналишларининг вужудга келишида жамият ҳаётидаги воқеа ва ҳодисаларни ахлоқий жихатдан баҳолашнинг ўрни ва ролининг ортиб боришида, ахлоқий билимлар савиясининг юксалишида ва бошқаларда намоён бўлади. Кўришиб турибдики, инсоннинг ахлоқий қадриятлари фақат алоҳида шахсларнинг ҳаётий фаолияти билангина эмас, балки жамият ҳаётининг туб илдизлари билан узвий боғлиқликдадир. Инсон – ўзининг бутун борлиғини ноёб қадриятлар, бурч ва ноёб истеъдод асосида яшагандагина шахс сифатида намоён бўлади<sup>1</sup>. Бу ўринда ахлоқ барча ижтимоий онг шакллари доирасида энг муҳим ўрин эгаллайди. Ахлоқ жамият тараққиётига фаол таъсир кўрсатади, кишиларнинг ишлаб чиқаришдаги, маънавий-маданий ҳаётдаги, турмуш тарзидаги, барча-барча соҳалардаги фаолиятида бевосита иштирок этади. Қолаверса, файласуфлар таъкидлаганидек, ахлоқ инсон моҳиятининг олий мезони, ҳаётий фаолиятини инсонийлик билан боғловчи куч.

Жамиятнинг иқтисодий ва маънавий ривожланиш даражаси ахлоқда ўз ифодасини топади. Ана шунга асосланиб, ахлоқнинг ижтимоий ҳаётда, кишилараро муносабатда пайдо бўлиши бевосита инсон зотининг шаклланиши билан боғлиқ бўлган ҳодиса деб қарашимиз лозим. Ахлоқ ўз навбатида тарихий тараққиётда доимо илгарилаб борадиган жараён билан узвий боғлиқ бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий шаклидан тортиб, энг юксак босқич сари ривожлана боради. Равнақ олға қараб ҳаракат тушунчасини англатади. Бу тушунчанинг пайдо бўлишини баъзи файласуф ва тарихчилар капиталистик муносабатларнинг шаклланиши билан, яъни XVI асрда пайдо бўлган, деб ҳисоблайдилар. Аслида эса бу тушунча қадимги даврлардаёқ пайдо бўлиб, унга нисбатан оптимистик ва пессимистик руҳдаги фикрлар билдирилган. Тарихий

---

<sup>1</sup> Қаранг: Философия истории. М., Наука 1999. С

жараённинг олға қараб интилишини тан олган ва исбот қилган оптимистлар Протагор, Сократ, Эпикур ва Лукреций бўлиб, улар инсониятнинг ривожланишида ёмонликдан яхшиликка қараб интилишни тан олган бўлсалар, Платон, Гессенд кейинроқ Шопенгауэр, Гартманн ва бошқалар равнақ ғоясини, шу жумладан, ахлоқий равнақни инкор қилганлар. Аммо аксарият файласуфлар ахлоқнинг инсон камолоти, жамият тараққиёти учун хизмат қилишига ишонганлар. Улар улуғ Сократнинг «Ахлоқий (одил) хатти-харакатлар, албатта, бахт-саодатга етказди»,<sup>1</sup> - деган тезисига таянганлар.

Фалсафий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, равнақ – инсониятнинг тинмай олға қараб борадиган тараққиётининг объектив қонунияти, инсон зотининг табиатга ва ўзлари вужудга келтирган ижтимоий кучларнинг стихияли, содда таъсирига қарамлигини имкон қадар бартараф этиш жараёнидир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, равнақ инсон зоти, ҳаёти, фаолияти билан боғлиқ бўлган ижтимоий ходиса сифатида тарихий объектив заруратнинг қонуний кўринишидир. У жамият тараққиётининг илгарилаб бориши билан узвий ҳолда босқичма-босқич камол топишининг ифодасидир. Равнақ жамият ҳаётидаги сифат ўзгаришлари қуйидан юқорига, яъни камроқ такомиллашган босқичдан, нисбатан такомиллашган босқичга ўтиш билан характерланадиган ҳаракат йўналишидир. Равнақ диалектик зиддиятли жараён бўлиб, бунда ҳар бир жамият тараққиётида объектив зарур, тўғри, ҳатто юксак деб ҳисобланган, тан олинган томонлар янги мукамалроқ ижтимоий босқич учун паст, ёшини яшаб бўлган босқичнинг эскирган томонларини инкор қилиш билан ўтмишда яратилган ҳамма ижобий томонларни сақлаб, бир вақтнинг ўзида олға қараб янада ҳаракат қилиши учун уларга барча имкониятлар яратиб беради. Тараққиётдаги ворисликнинг диалектик қонунини назарий жихатдан биринчи бўлиб Гегел ишлаб чиқди.

Ворисликнинг жамият тараққиётидаги ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш ахлоқий мерос ва равнақ ўртасидаги диалектик муносабатларни

---

Қаранг: Гуннар Скирбекк, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи. –Тошкент: 2002. Б.83

очишда алоҳида аҳамиятга эга. Авлодларнинг мунтазам алмашиб туриши, моддий бойликлар ишлаб чиқаришнинг ўсиб бориши ҳамда маънавий ҳаётнинг янгиланиши ўтмишда яратилган тафаккур бойликлари билан ўзаро боғлиқликда юз беради. Бу жараёнда диалектиканинг тарихийлик методи амал қилади. Ахлоқий мероснинг моҳият ва келгуси жамият ривожигаги ўрни ва ролини таҳлил қилиш худди шу метод асосида бормоғи зарур. Ривожланиш диалектик инкор ёхуд спиралсимон кўтарилиб боради. Бунда шу нарсани ҳам ҳисобга олиш керакки, ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос хусусияти унда орқага қайтиш имкониятлари, раванқнинг вақтинча тўхтаб қолиши диалектик инкор эмас, балки доирага кириб қолиши юз беради, холос. Ижтимоий раванқ ҳеч қачон узилмайди, узлуксиз давом этаверади. Бундан кўринадикки, раванқни тадрижий-эволюцион жараён деб қараш нотўғри. Тарихнинг олға қараб борадиган ҳаракати бутун мураккабликлари, зиддиятлари, орқага тисарилишлар ва ҳалокатлари ижтимоий ҳаётдаги турли соҳаларнинг нотекис ривожланиши объектив ҳақиқат бўлиб ҳисобланади.

Равнақ объектив заруриятнинг қонуний кўриниши сифатида кўзга ташланар экан, у фақат ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишигина эмас, балки ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши, тараққиётини, шунингдек, муайян жамиятнинг маънавий ривожланганлик даражасини ҳам ижтимоий раванқнинг объектив мезони деб қарайди, яъни ижтимоий раванқ иқтисод, фан, техника, санъат, ахлоқ соҳасидаги раванқни ҳам ўз ичига олади. Демак, ижтимоий раванқ ахлоқий раванқ учун замин яратади, ундаги маънавий маданиятнинг бир қисми сифатида шаклланади.

Ахлоқий раванқ инсондаги барча ижобий хусусиятларни. маънавиятини, ҳусни, кўркини гуллаб яшнаши ва мисилсиз ривожланишини ифодаловчи фалсафий тушунчадир. Етуклик эса раванқ йўлида эршилган ютуқ, марра. Ахлоқий раванқ одам боласидаги жиловланмаган ҳайвоний ҳислар ўрнига вужудга келган ҳақиқий инсонийликнинг гуллаб яшнаши ва камол топишидир. Ахлоқий раванқ ҳамма вақт қуйидан юқорига бўлган ҳаракат сифатида ўзига хос ўлчов тизимига эга бўлиб, бу ўзаро алоқадорлик, сифат

ўзгаришлари, шунингдек, диалектик инкорни-инкор билан birlikда намоён бўладиган ҳаракатни ифодалайди. Ахлоқ таракқиёти суръатининг тезлашуви, эски ахлоқий бойликларнинг сифат жиҳатидан янги бўлганлари билан алмашуви, карама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши воситасида ривожланади.

Ахлоқий раванқнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ахлоқнинг олға қараб юксалиши халқ оммасининг тарихи, уларнинг меҳнати ва кураши билан узвий боғлиқ бўлади. Ҳар бир ижтимоий тузум аجدодлар томонидан яратилган барча бойликлар замини асосида ўзининг маънавий, ахлоқий қадриятларини яратади ва раванқ топтиради. Жамиятнинг маънавий ва ахлоқий раванқи унинг моддий ҳаёт шароити орқали белгиланади. У ижтимоий таракқиётнинг ҳар бир босқичида ўзига хос шакл ва мазмунга боғлиқдир. Бунда асосий ўринни меҳнат эгаллайди.

Меҳнат инсон ҳаёт кечириши учун зарур бўлган барча эҳтиёжни қондирувчи восита сифатидаги ролдан ташқари унинг ижтимоий муносабат ва ижтимоий ахлоқий онгининг ривожланишида ҳам алоҳида ўринга эга. Ана шундай хусусиятга эга бўлган меҳнат инсоннинг мақсадга мувофиқ йўналтирилган фаолиятидир. Жамиятнинг моддий, маънавий бойлиги, шу билан бирга ахлоқий бойлиги меҳнат билан яратилади. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг асоси ва яратувчиси инсон ҳисобланади. Ҳар бир киши ва жамиятнинг ижтимоий ҳаётда фаоллиги ва ижодий фаолияти ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этади. Шунинг учун ҳам жамиятнинг оддийдан мураккабга қараб бориши уларнинг меҳнатдаги ташаббускорлиги, уюшқоқлиги, интизомининг мустаҳкамлиги ва яратувчанлигига боғлиқ бўлади. Меҳнат фақат иқтисодий тушунча эмас, шу билан бирга маданий, маънавий ва ахлоқий тушунча ҳамдир. Меҳнат ахлоқ ва ахлоқий муносабат билан узвий боғлиқ. Меҳнатга зўр бериш жамият аъзоларининг фақат ишга тайёрлайди дегани эмас. Балки уларда бошқа кишиларга тўғри ахлоқий муносабатда бўлишни ҳам тарбиялайди деган тушунчани ҳам ўз ичига олади деганидир.

Абу Райҳон Беруний ўзининг “Геодезия”, “Ҳиндистон”, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” номли асарларида меҳнатни инсон маънавий ахлоқий

камолотининг асоси деб қарайди, жамиятдаги ростлик, адолат, одилликни гўзал одоб, ахлоқ деб ҳисоблайди<sup>1</sup>.

Меҳнат киши фаолиятининг ҳал қилувчи соҳасидир, у билан моддий бойликнинг мўл-кўллиги, маънавий-ахлоқий бойликнинг юксалиш имконияти яратилади. Меҳнатнинг мазмунида ўзаро ёрдам, юксак маънавий идеалларга интилиш, ҳаққонийлик, ростгўйлик каби ахлоқий қоида ва меъёрлар шаклланади. Ана шундай хусусиятга эга бўлган ахлоқ тарихий характерга эга бўлиб, у ҳар доим ўзгариб боради. Ўзгариб бориш характерига эга бўлган ахлоқ ижтимоий раванқ ичида бўлиб у доимо зиддиятли равишда ривожланади. Ахлоқий раванқнинг асоси бўлиб, яхшилик ва ёмонлик хизмат қилади. Агар муайян тузум халқ ғамини еса, унинг моддий ва маънавий фаровонлиги тўғрисида ўйласа, фуқаролари орасида меҳр – оқибат, ўзаро ёрдам, инсонпарварлик, дўстлик ва бағрикенглик ва бошха ахлоқий фазилатлар кўпаяди, жамиятда яхшилик ва эзгулик устуворлик қилади. Аксинча, ҳукмдорлар айшу-ишратлар, маишатга берилиб халқ ғамини емаса, мамлакат таназзулга учрайди. Шунга яраша одамлар орасида ёмонлик ва зулм-истибдод кучаяди. Жамиятда яхшиликнинг кўпайиши ёмонликнинг камайиши ҳисобига бўлади. Ёмонликнинг кишилараро муносабатда ҳукмронлик қилиши хулқ-одобда яхшиликнинг камайганлигидан далолатдир. Хуллас ахлоқий раванқ ўз тарихида диалектик равишда, тўсиқ ва инқирозларга учраб ўзига йўл очиб борган. Ҳар бир ижтимоий тузум умрини тугатиб бўлган ахлоқ ва ахлоқий меъёр ҳамда қоидаларни инкор қилиб, ўз замонаси учун раванқ бўлган ахлоқни қабул қилади ва ишлаб чиқади.

Ахлоқ ижтимоий раванқ сингари нисбий мустақиллик характерига эга бўлиб, муайян жамиятда мавжуд бўлган давлат ва унинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий томонларига фаол таъсир қилиб боради. Ахлоқ у ёки бу давлат томонидан амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий тадбирларнинг фуқаролар томонидан ҳаётий фаолиятда ҳамда маънавий амалиётда қабул қилиниши ёки инкор қилинишига фаол таъсир қилувчи муҳим омиллардан биридир. Юқорида

---

<sup>1</sup> Қаранг: Абу Райхон Беруний. Ҳиндистон. Танл.асар. II том –Тошкент: Фан, 1966. Б. 25

қайд этилганидек, ахлоқ зиддиятли ривожланиб, муайян жамият иқтисодий, сиёсий тараққиётига мувофиқ келмай қолади, унинг ривожига тўсиқ бўлади. Бунга сабаб, биринчидан, ҳукмрон доиралар ўз шахсий манфаатини устун қўйиши, иккинчидан эса, халқ бойлигини талон-тарож қилинишидир. Бу, ўз навбатида, фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ўзгаришига, зиддиятларнинг кескинлашувига олиб келади.

Бундан ташқари, нисбий мустақилликка эга бўлган ахлоқ фуқароларнинг ишлаб чиқариш ва сиёсий ривожланиши даражасидан илгарилаб кетади. Илгарилаб кетиш шаклида намоён бўлган ахлоқ ижтимоий онгнинг бошқа шакллари билан бирга халқ маънавий ҳаётига зид бўлган ахлоқий қоидаларга қарши кескин курашга киришади. Ахлоқ ижтимоий ҳаёт ривожини тезлаштириб, унга маънавий томондан замин тайёрлаб, келгуси инсон ҳаёти учун янги қоидаларни ўзида акс эттиради.

Ахлоқнинг ижтимоий борлиқдан ўзиб, илгарилаб кетиши, ижтимоий борлиқнинг келгуси истиқболини белгилаб беришида кўзга ташланади. Биринчидан, ахлоқ ижтимоий ҳаёт ва ундаги янги жараёнларни, уларнинг ички моҳиятини, юзага келган эҳтиёжларини ўзида ҳар томонлама кенг ва тўғри акс эттиради; иккинчидан, янги ахлоқ меъёрлари ўз ривожига инсониятнинг ўтмиш аждодлари томонидан ишлаб чиқилган ахлоқий меъёрларидан танқидий равишда фойдаланиб, унинг ривожига имкон яратади ва бойитиб боради.

Ахлоқнинг жамият тараққиёти билан ўзгариб бориши кишилар ўртасидаги парокандалиқни келтириб чиқармайди, аксинча, улар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий мафкуравий муносабатларни даврга мос равишда йўлга қўяди ва ривожлантиради. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий онгнинг барча шакллари ижтимоий раванқ билан ўзаро диалектик бирликда тараққий қилишлигини имкон қадар таҳлил қилишга ҳаракат қилинди. Ахлоқ ўз тараққиёти босқичида ижтимоий онгнинг бошқа шакллари билан биргаликда бўлиб, у ижтимоий раванқ ривожига таъсир қилади.

Сиёсат барча тарихий даврларда ахлоқ билан ўзаро яқин алоқада ва боғлиқликда бўлган. Сиёсат муайян жамиятда мавжуд бўлган давлат ва унда

ҳаёт кечираётган турли ижтимоий гуруҳларга қандай хизмат қилаётганига қараб баҳоланади. Сиёсат фуқаролар манфаатларига хизмат қилса, унинг моддий ва маънавий фаровонлигига кўмаклашса, у адолатли ва ахлоқий жиҳатдан юксак бўлади. Сиёсат бошқа ижтимоий онг шакллариغا нисбатан фаол бўлиб, жамият ҳаётига бевосита таъсир ўтказади.

Агар сиёсат ахлоққа зид келса, албатта, у халок бўлади. Сиёсат воқеа-ҳодисаларнинг боришини орқага суришга қаратилган бўлса, бу ҳолат уни ҳалокатга олиб боради. Сиёсат сохиби юксак ахлоқий фазилатларга суянсагина унинг буюк роли кўзга ташланади. Адолатли сиёсат ҳамма вақт тубан ахлоқни йўқ қилишга ва илғор ахлоқнинг вужудга келишига ёрдам беради. Бундан кўринадики, сиёсат ва ахлоқ ўзаро диалектик бирликда, бир-бирига таъсир кўрсатадиган ижтимоий онг шаклларида ҳисобланади.

Сиёсатнинг ахлоқий мерос тизимидаги ўрни ва роли ўзига хос хусусиятга ва кўринишларга эга. Улардан баъзиларини тарихий манбаларга таянган ҳолда қисқача кўриб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Абу Наср Форобий сиёсатни давлатни бошқариш санъати сифатида талқин этиб, давлатни бошқаришни икки хил: бири шаҳар аҳолисини ҳақиқий бахтга элтувчи бошқарув иккинчиси, ёлғон, қалбаки бошқарув типларига ажратиб кўрсатади. Шу йўл билан Абу Наср Форобий ҳукмдорни ахлоқий покликка, маънавий камолотга эришишга чақиради. Чинакам «Бахт-саодатга эришишнинг бирдан-бир йўли, барча эзгу ишларни хайрли ниятлар ила бажариш, фазилатли амалга таяниш баробарида разолат ва бахтсизлик келтириб чиқариши мумкин бўлган ишлардан ўзини тия билишдир»<sup>1</sup>, - дейди мутафаккир.

Шуни таъкидлаш лозимки, мусулмон Шарқи фалсафий тафаккурида давлат, сиёсат, ахлоқ доимо биргаликда, ўзаро диалектик ривожланишда қаралган бўлса, ғарб фалсафасида сиёсат ва ахлоқ ўртасидаги муносабат турли даврларда турлича талқин этиб келинган. Аристотел ахлоқ билан сиёсатга бирлик, проксис (ақлга мувофиқ характер) сифатида қараган. XVI-XVII

---

Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт саодат ва камолот ҳақида. Қодиров М. таржимаси Тошкент: Ёзувчи, Б.



асрларга келиб, яъни дастлабки буржуа муносабатлари эндигина шаклланаётган бир даврда сиёсат ва ахлоқ ўртасидаги боғлиқлик масаласига қараш жиддий ўзгарди. Масалан, Никелло Макиавелли (флоренциялик мутафаккир) ахлоқ билан сиёсатни ажратиб қўйди. У мақсад воситаларни оқлайди, деган тезисни илгари суриб, ахлоқ билан сиёсат ажралган ҳолда, сиёсат-бу манипуляция қилишдир, қонун билан ахлоқни белгилаб бериш подшонинг хоҳиш иродасига боғлиқ дейди<sup>1</sup>. Аслида эса жамият тарихий тараққиётида ижтимоий раванқ сиёсатсиз, сиёсат эса ижтимоий раванқсиз ривож топмайди.

Ахлоқ ва ижтимоий раванқ ҳақида фикр юритар эканмиз, бу ерда ахлоқ ва ҳуқуқ ҳамда уларнинг ўзаро ижтимоий ҳаётдаги муносабатлари, шунингдек, жамият тараққиёти учун бўлган аҳамияти масалаларига алоҳида аҳамият бермоқ зарур, деб ўйлаймиз. Чунки ҳуқуқ сиёсатга ҳам, ахлоққа ҳам алоқадор бўлган ижтимоий онг шаклларида бири ҳисобланади.

"Ҳуқуқ-ҳукмрон синфнинг қонунига айлантирилган иродасидир,- дейилади «Марксча-ленинча ахлоқ асослари» дарслигида,- ҳуқуқий онг эса амалдаги ҳуқуқ илми, қонунлар мазмуни қонун ҳукмига бўйсунадиган ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқий одатлар, шунингдек, уларни у ёки бу синф манфаатлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ва баҳолашдан иборат"<sup>2</sup>. Бундай қараш ўз моҳияти билан бир томонлама бўлиб, марксизмнинг синфийлик таълимотининг маҳсулидир. Ҳуқуқ фақат давлат томонидан белгиланадиган ходиса эмас, у жамиятнинг иқтисодий ва маданий тараққиёт даражасидан юқори бўла олмайди.

Ҳуқуқий онг кишилар ҳулқиға, ахлоқиға бир меъёрий омил сифатида эмас, балки мафкуравий омил сифатида таъсир кўрсатади. Бу масала антик давр файласуфларининг фалсафий қарашларида ифода этилган бўлиб, улар ҳуқуқий мафкурани ишлаб чиқариш жараёнида ахлоқни маълум бир қонунчилик билан боғлашга, улар ўртасида қандайдир умумий алоқадорлик борлигини аниқлашга ҳаракат қилган бўлсалар, янги дави, роли ва ўзаро

---

<sup>1</sup> Қаранг: Гуннар Скирбекк, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи. Тошкент:Шарқ, 2002, Б.

<sup>2</sup> Федоренко Е.Т. Марксча ленинча этика асослари. Тошкент Ўқитувчи Б.140

умумий алоқадорлиги, боғлиқлиги, шунингдек, уларнинг бир-бирига таъсири асосида инсон эркининг намоён бўлиши ҳолатларини немис классик фалсафасининг буюк намояндалари Кант ва Гегеллар асослаб бердилар. Кант ўзининг сиёсий ва ҳуқуқий назариясини ишлаб чиқишда инсоннинг ахлоқий мавжудот эканидан келиб чиқади. И.Кантнинг ҳуқуқ ва ахлоқнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги фикрларида ёрқин намоён бўлади. Унинг фикрича, инсон ахлоқий ҳолатда яшаш учун индивидга зарур бўлган ҳуқуқлар бошқарувининг конституцион шаклини, қуллик ва тенгсизликнинг бошқа шакллари бекор қилишни, шунингдек, урушларни тақиқлашни талаб қилади. Бу вазифаларни инсон ўзининг ахлоқий мавжудотлиги асосида фақат ҳар бир инсоннинг ўзи учун ўзи ахлоқий қонун ўрната олиш қобилияти негизида бажара олади. Бошқача айтганда, ҳар бир инсон ўз ахлоқий қонунининг ижодкори ҳисобланади. Ҳар бир индивид ахлоқий жиҳатдан мустақилдир<sup>1</sup>.

Ҳуқуқ ва ахлоққа фалсафий нуқтаи-назардан қарайдиган бўлсак, аввало жамият тараққиёти давомида улар доимо диалектик бирликда бўлиб, бир-бирига таъсир қилиб турганлиги ва ривожланганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Ахлоқ ва ҳуқуқ жамият тарихи тараққиётида иқтисодий базис устига қурилган ижтимоий онг шаклларида бўлиб, улар муайян жамиятда кишилар ўртасида ташкил топган моддий ва маънавий муносабатларнинг барқарор бўлишига, уларнинг ҳулқида бир-бирига, турли ижтимоий гуруҳларга шунингдек, жамиятни бошқариб турган давлатга бўлган муносабатларда ҳуқуқ меъёрларини белгилаб туришга қаратилган тушунчалар йиғиндиси бўлиб, ижтимоий равнаққа таъсир қилиб туради.

Ахлоқ ва ҳуқуқ мустақил равишда жамият олдига керак бўлган мақсадларни қўя олмайди, балки муайян жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар сиёсатини амалга ошириш учун бир восита сифатида хизмат қилади. Ҳуқуқий демократик давлатда, унинг қонунларида инсон ҳуқуқининг давлат ҳуқуқидан

---

<sup>1</sup> Қаранг. Гуннар Скирбекк, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи. Тошкент: Шарқ, 2002, Б.

устуворлиги тамойили<sup>1</sup> амал қилади ва бу ижтимоий равақнинг муҳим шартини ҳисобланади.

Ахлоққа тарихий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, у ҳуқуққа нисбатан олдин пайдо бўлган бўлиб, ижтимоий раваққа доимо таъсир қилиб келган. Ҳуқуқ эса жамият тараққиётининг муайян босқичларида вужудга келган ижтимоий ҳодиса бўлиб, унда жамиятдаги барча ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқий меъёрларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар мажмуасини ифодаланади.

Ахлоқ ва ижтимоий равақ ҳақида фикр юритилганда санъатга алоҳида эътибор бермоқ зарур, чунки санъат жамият тарихининг ойнасидир. Жамият тарихи инсон маънавий дунёсининг вужудга келиш ва қарор топиш тарихидир. Инсоннинг маънавий дунёсини жамият моддий ҳаёти асосига қурилган бўлиб, у адабиёт ва санъат асарларида ўз инъикосини топади ва у ижтимоий раваққа таъсир кўрсатади. Тўғри, ижтимоий онгнинг бошқа шакллари ҳам тизимли равишда ижтимоий раваққа таъсир қилиб туради, буни инкор этиш мумкин эмас.

Санъатни ахлоқ ва ижтимоий раваққа тадбиқ қиладиган бўлсак, унинг бу борадаги вазифасини бошқа бирор ижтимоий онг шакли бажара олмайди. Санъатсиз башарият тараққиёти ҳозирги босқичига кўтарила олиши мумкин эмаслиги бунинг исботи десак бўлади. Санъат табиий ва ижтимоий заруриятдан келиб чиққан, бинобарин, ҳеч қандай соҳа-фан ҳам, ахлоқ ҳам, дин ҳам, сиёсат ҳам, ҳуқуқ ҳам санъатнинг ўрнини боса олмайди.

Санъат асарининг ахлоқий, тарбиявий таъсир кучи, аввало, унинг ғоявий ва бадиий жиҳатдан мукамаллигида кўринади. Бадиийлик эса, воқеа ва ҳодисаларнинг ички моҳиятига чуқур кира олишда, инсон руҳи, кайфияти, ҳаяжонлари, интилиш ва курашларини ҳар тарафлама ва мукамал ифодалай олишда намоён бўлади.

Бу ерда санъаткорнинг дунёқараши асосий ўринни эгаллайди. Санъаткор дунёқараши санъаткорнинг фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий,

---

<sup>1</sup> Каримов.И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. т Тошкент Ўзбекистон,1999, Б.249

бадий, диний қарашлари йиғиндисидан иборат. Бу қарашлар ижтимоий раванк ички ҳолатини бадий образларда, уларнинг хатти-ҳаракатларида алоҳида ифода этади. Санъаткорнинг фалсафий, сиёсий, ахлоқий ва бошқа қарашлари унинг асарида бир хилда ифодаланавермайди. Бу қарашларнинг ўзаро боғлиқлиги анча мураккаб занжирни ташкил этади. ахлоқий, иқтисодий қарашлар юзарокда бўлса, сиёсий ва фалсафий қарашлар асар мазмунига шунчалик сингдирилиб юборилган бўладики, уларни бир қарашда аниқлаб олиш анча қийин кечади. Санъатнинг иқтисод билан ўзаро алоқаси сиёсат, ахлоқ ва фан орқали намоён бўлади.

Муайян жамиятдаги турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг маънавий, ахлоқий даражаси қай ҳолатда эканлиги санъатда ўз аксини кўрсатади. Бу ерда санъаткорнинг кузатувчанлик фаолияти, тажрибаси, истеъдоди, шахсий ҳислатлари, эътиқодлари, кайфиятлари ва ички кечинмаларининг ижтимоий раванкқа муносабати масаласи ҳам алоҳида бўлади. Воқеликни кузатиш ва ўрганиш натижасида ҳосил қилинадиган таассуротлар санъаткорнинг билвосита ҳаёт тажрибасини ташкил қилади. Бевосита ҳаёт тажрибаси шахсан кўриш, иштирок этиш орқали ҳосил қилинса, ижодий тажрибаси асосан, турли манбалардан ўқиб, ўрганиш орқали намоён бўлади. Ахлоқ ва ижтимоий раванкнинг ижтимоий тараққиётга таъсири ҳақида фикр юритилганда ижтимоий онг шакллариининг барчасининг ҳам маълум миқдорда ўрни борлиги шубҳасиздир. Шундан келиб чиқиб, ахлоқнинг ижтимоий раванкқа таъсирини фанда ҳам кўришимиз мумкин.

Фан жамиятнинг моддий ва маънавий камолоти даражасини қай аҳволда эканлигини, ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги диалектик алоқадорликни белгилайдиган восита. Шунинг учун уларни айри ҳолда тушуниш мумкин эмас. «Фан ва гуманизмни узвий равишда боғлаш, уни инсоният раванқи учун хизмат қилувчи куч эканлигини тасдиқлаш ҳозирги замон тараққиётининг энг муҳим масаласидир,

фан учун ҳам инсоният учун ҳам унга нисбатан (муқобил) бошқача йўл йўқ»<sup>1</sup>-деб айтган И.Фроловнинг тўлиқ қўшиламыз.

Ахлоқий қоидалар фандан, инсон билимларидан ажралган ҳолда жамият ҳаётининг мақсад ва маъносини изоҳлай олмайди. Улар шахс ва жамият ривожланишининг ҳақиқий манфаатларига тўлиқ хизмат қила олмайди. Бу ерда шу нарсани таъкидлаш керакки, фан фақат объектив борлиқдаги фактларни таҳлил қилиши ёки изоҳлаши, оламнинг тараққиёт қонунларини очиши билан чекланмайди, балки у моддий дунёни тадқиқ этиб, ҳақиқатни акс эттиради. Қўлга киритилган қонун ва ҳақиқатларга таяниб, маълум бир амалий вазифаларни аниқлаб, одамга уларни амалга ошириш воситаларини кўрсатади. Булар фақат билим орқали бўлади. Билим бўлмаса, чин инсоний фазилатлар бўлиши мумкин эмас. Булар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ижтимоий раванққа таъсир кўрсатади. Ахлоқ ва фан объектив ҳақиқат мазмунига эга бўлган тушунчалар бўлганлиги учун ахлоқий қоида ва тамойиллар илмий асосларга эга бўлади. Умуминсоний ахлоқ ҳақидаги ҳақиқат илмий жиҳатдан принципиал фарқ қилмайди. Улар ўзаро алоқада бўлиб, бир-бирларини тўлдириб туради. У табиатдаги қандайдир бир боғланишларнигина акс эттириб қолмай, айти пайтда моддий ишлаб чиқаришга, дунёқарашни шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Фан қонунлари инсон томонидан ишлаб чиқилади, унинг эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади ва зарурий равишда инсоний муносабатлар доирасига тортилади. Ана шундай хусусиятга эга бўлган фаннинг мақсади табиат ва жамиятни ўзгартириб, инсонга ёрдам беришдан иборат. Фан ҳамиша тараққиётга хизмат қилади. Равнаққа хизмат қилган фан маълум билимлар захирасини тўплаб, шу заҳотиёқ кишиларга фойда келтира бошлайди. Шундай хусусиятга эга бўлган фан жамият тараққиётига, ахлоқий раванққа таъсир қилмасдан қолмайди, унинг ривожига фаол таъсир кўрсатади.

Инсон қанча кўп билим эгалласа, унинг ахлоқи шу қадар ривожланади, камол топади. Билим ва ақл ҳамиша ахлоқ ва умуминсоний кадриятларнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Шу билан биргаликда амалиёт узок

---

<sup>1</sup> Қаранг: Фролов И. Перспективы человека. -М.,Наука: 1979. С-256-257.

йиллар давомида олиб борилган кузатувлар шуни кўрсатяптики, айрим шахслар катта билимга эга бўлишига қарамай ахлоқсиз, маданиятсиз, ҳаттоки жиноий ҳаракатлар қилганликлари аниқланмоқда. Масалан, терроризмни бошқараётган шахсларни саводсиз деб бўлмайди. Ёки корхона ва ташкилотлар мисолида шундай раҳбарлар борки, юқори билимга эга бўлиб, ходимларига нисбатан кўпол муносабатда бўлаётганлиги кўзга ташланади. Демак, билим билан ахлоқ ўртасида тўғри боғланиш эмас, балки эътиқод, имон, масъулият каби инсонга хос фазилатлар бўлиши лозим.

Ижтимоий онг шакллари ичида ўзининг тарихийлиги, қадимийлиги жиҳатидан алоҳида хусусиятга, кўринишга эга бўлган, инсон қалби ва онги, ижтимоий раваққа таъсир кўрсатган нарса - бу диндир. Дин ижтимоий ҳаётни, объектив воқеликни, унда рўй берган ходисаларни ўзига хос тарзда акс эттирувчи ижтимоий онг шаклларида бўлиб, у дунё, инсон ва бошқа мавжудотларнинг яралиши ва келиб чиқишини, ҳаётнинг маъно-мазмуни, инсоннинг яшашдан кўзлаган мақсади каби қатор ҳаётий масалаларга илохий нуқтаи назаридан жавоб берувчи дунёқараш шаклида вужудга келган.

Бу дунёқараш диний маросимларни, урф-одатларни, шу билан бирга инсонга хос бўлган барча хис ва туйғуларни ўз ичига олади. Дин ўрта асрларда маданиятнинг барча турларини, яъни илм-фан, фалсафа, сиёсат, ҳуқуқ, ахлоқ кабиларни ўзида мужассамлаштирган ва ижтимоий раваққа таъсир ўтказган. Дин ўтмишда ҳам, ҳозирги кунимизда ҳам инсон маънавий қадриятларини ўзида мужассам этиб келган ижтимоий ҳодиса. ”Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий ҳуқ-атвор қоидаларига айлантирган маданиятга катта таъсир кўрсатган”<sup>1</sup>, - деб таъкидлайди Президентимиз. Шу билан бирга, дин ижтимоий онг ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳа ва жабҳалари билан алоқадор эканлигини ҳам таъкидлаб ўтади. И.А.Каримов : ”Жамият ҳаётининг бир қисми бўлган дин

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997. Б.35

ижтимоий ҳаётнинг бирча соҳалари билан муқаррар равишда муносабатда бўлган. Уларга таъсир ўтказган ва ўзи ҳам бошқа соҳаларнинг таъсирига дуч келган”<sup>1</sup>. Дин миллий қадриятларнинг асрлар оша безавол инсон қалби ва онгида сақланиб келишига асос солган. Президент Ислоҳ Каримов сўзлари билан айтилганда, "Дин бизнинг қон-қонимизга, онгу-шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди"<sup>2</sup>. Демак, дин инсон онги ва шуурига сингиб кетган.

Динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади ва ахлоқнинг яхшилик, ҳалоллик, поклик, тинчлик каби қатор тушунчаларига амал қилган ҳолда тараққий қилади. Бундан кўринадики, барча динлар инсон ҳаётининг моҳияти, мазмуни кишилар ўртасидаги сиёсий-ҳуқуқий, ахлоқий муносабатларни тенглик ва адолат мезонлари асосида тушунтириш хусусиятига эга бўлган ижтимоий онг шаклидир. У тарихимизнинг энг мураккаб, оғир дамларида ҳам ахлоқ ва ижтимоий раванқ билан диалектик бирликда ривож топган. Шунга қарамай, собиқ Совет тузуми даврида ёзилган барча адабиётларда, дарсликларда, луғатларда бу масала бир томонлама ёритилди. Уларда диннинг ижтимоий раванққа доимо салбий таъсир қилиб келганлиги ҳақида фикрлар баён этилиб келинди. Бу ўз навбатида умуминсоний қадриятларнинг таркибий қисми бўлган динни, унинг шахс тарбиясидаги беқиёс ўрни ва ролини топташ, ҳақоратлашдан бошқа нарса эмас эди.

Масаланинг гносеологик, ижтимоий-сиёсий ва маънавий асосларига эътибор қаратсак, дунё динларининг барчасида, жумладан ислом динида, унинг муқаддас китоби Қуръони Каримда, ҳадиси шарифда инсон ва унинг ахлоқий тарбияси масаласига оид жуда кўп ўғитлар мавжуд. Бу ўғитлар ва панд-насихатларда инсон маънавий камолотининг негизи бўлган ахлоқ-одоб, тарбиянинг барча муаммолари ўз ифодасини топганлигини кўриш мумкин. Шарқда диний-маънавий фикрлар мажмуаси ҳисобланган ҳадиси шариф

---

<sup>1</sup> Ўша асар. Б.37

<sup>2</sup> Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. 7 - том, -Тошкент: Ўзбекистон, 1999, Б.351

ахлоқий тарбияга оид бўлган фикрларнинг мукамал тўплами бўлиб, асрлар давомида жамиятнинг маънавий-ахлоқий ривожига таъсир қилиб келган.

Ҳадисларни ўрганар эканмиз, уларда ахлоқий камолот, ҳалоллик, поклик, иймон ва виждон билан боғлиқ бўлган бирорта ҳам муҳим соҳа эътибордан четда қолмаганлигини кўрамиз. Ҳадислардаги ахлоқ мезонлари ҳақидаги нодир фикрлар фақат Макка, Мадина ва ана шу шаҳарлар атрофида яшовчи арабларгагина эмас, балки бутун мусулмон оламига таъсир кўрсатган. Ҳадисларда илгари сурилган инсоннинг маънавий камолоти ҳақидаги фикрлар Аллоҳнинг хоҳиш ва иродаси билан боғланган ахлоқий масалалардир. Дин, жумладан ислом дини ҳар бир мўмин бандадан фақат Аллоҳнинг борлигини, ягоналигини, унинг элчиси-расули Муҳаммад Пайғамбар эканини тан олишнигина эмас, балки ўзининг бутун ҳаёти ва фаолиятида Аллоҳнинг иродасига, Муҳаммад Пайғамбарнинг йўл-йўриқларига тўла бўйсунушни ҳам талаб қилади. Шу сабабли ислом дини Аллоҳга, унинг расулига бўйсунувчилар, итоат қилувчиларнинг эътиқоди, иймони сифатида юзага келган. Қуръонда тавсиф қилинган Аллоҳнинг сифатлари ҳам катта маънавий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инсоний фазилатлар ифодаси бўлиб ҳисобланган ва шундай бўлиб қолади.

Исломда фитна ва фасод, тўқнашув ва олишув, меҳр-муҳаббатни барбод қиладиган ҳар бир иш қатъиян маън қилинади. Гийбат, фисқу-фасод, беҳуда сўз айтиш, гап тарқатиш, номаъқул сўзлар сўзлаш, айирмачилик (миллатчилик), ғавфо гуноҳ саналади. Аёнки, буларнинг барчаси инсон ва унинг ахлоқига зид бўлиб, ижтимоий равнаққа салбий таъсир кўрсатади.

Маълумки, диний эътиқод кишилар учун катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Диний эътиқод ҳамма вақт кишиларнинг шаръий-ҳуқуқий масъулияти билан узвий боғлиқ бўлган. Мусулмонлар жамиятнинг ҳуқуқий талабларини яхши билган ҳолда Аллоҳнинг хоҳиш ва иродаси билан боғлиқ бўлган ахлоқий талабларга тўла риоя қилишни ўзларининг асосий бурчи деб ҳисоблаганлар. Аллоҳнинг номидан айтилган сўз кишиларнинг қалби, эътиқодига шариат қонунлари асосида чуқурроқ синган. Аллоҳнинг иродасига, кўрсатган йўл-



йўриқларига бўйсунуш гуноҳ ва савоб, дўзах ва жаннат сингари тушунчалар билан боғланган. Диний ғояларнинг таъсири кучли бўлган барча даврларда ислом дини инсон маънавий камолотини, ахлоқини тўғри йўлга солувчи асосий омиллардан бири бўлган.

Жамиятда диннинг, хусусан ислом динининг халқ оммасига ахлоқни сингдиришдаги ва тарғиб қилишдаги роли ғоят каттадир. Ислом ахлоқий қоидаларига асрлар давомида амал қилиб келинган, ҳозир ҳам амал қилинади. Ислом ва унинг муқаддас китоби Қуръони каримдаги тавсия ва талаблар ўз асосига кўра умуминсоний ахлоқий қоидалардан иборатдир. Айниқса, ҳадисларда маънавий камолотнинг барча диний муаммолари билан бир қаторда умумбашарий масалаларга ҳам катта ўрин берилган. Масалан, бошқа динга эътиқод қиладиган кишиларни камситиш мусулмон мамлакатларида катта гуноҳ ҳисобланиши бунинг яққол исботидир. Диний бағрикенглик (толерантлик) ислом динининг энг одил хислатларидан биридир. Исломда илм-фанни эгаллаш савобли иш эканининг кўрсатилиши, бешикдан то қабргача илм излаш лозимлигини қайд қилиниши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳадислардаги, "Садақанинг афзали мўмин киши илм ўрганиб сўнг бошқа мўминларга ҳам ўргатишдир". "Илм ўрганиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарздир", деган фикрлари ижтимоий тараққиёт учун қанчалик аҳамиятга эга эканлигига ҳеч шубҳа йўқ.

Ушбу бандда баён этилган фикрлар қуйидаги хулосаларга олиб келди: Ахлоқий мероснинг ҳар бир шакли ижтимоий тараққиётнинг ҳаракат механизми бўлган ижтимоий равақ доирасида диалектик шаклланади ва ривожланади. Ижтимоий равақ жараёни ахлоқий меросга ё ижобий, ё салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ахлоқий мерос шаклланишида инсон ҳаёт фаолиятининг ўзаги ҳисобланган меҳнат алоҳида ўрин тутди. Меҳнат фаолиятининг яратувчилик функциялари энг аввало ахлоқ қонун-қоидаларида намоён бўлади. Меҳнатсиз ахлоқий қадриятларнинг шаклланиши мумкин эмас. Ахлоқий мероснинг шаклланиши ижтимоий онг шакллари: сиёсат, ҳуқуқ, санъат, фан ва дин кабилар билан узвий диалектик боғлиқда кечади. Уларнинг

ҳар бири ахлоқий мероснинг муайян бир қиррасининг, қадриятининг алоҳида кўриниши ҳисобланади. Шахс ижтимоий онг шаклларининг бевосита ёрдамсиз ахлоқий меросдан баҳраманд бўла олмайди. Ахлоқий-маънавий мерос жамиятда уйғониш ва туб ислоҳотлар ўтказишнинг пойдевори ҳамда ривожланиш механизми сифатида ҳар томонлама чуқур илмий-амалий ўрганиб боришни талаб қилади.

## **2-Боб. Ахлоқ тараққиётининг назарий-фалсафий асослари ва унинг асосий босқичлари.**

### **2.1. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Синонинг ахлоқий қарашлари.**

Марказий Осиёлик мутафаккирлар, биринчидан, қадимги Юнонистон, Ҳиндистон, Миср, Эрон ва араб мамлакатлари маданий меросига, ахлоқига ҳурмат билан қараганлар, уларни ижодий ривожлантирдилар. Иккинчидан, ўзлари ҳам оригинал асарлар яратиб, илғор ахлоқий таълимотларга асос солганлар. Бу таълимотлар мазмунида инсон шахси, унинг энг яхши хислатлари юксакликларга кўтарилди, илм-фан кадрланди, умуминсоний ва инсонпарварликка асосланган қадриятлар мадҳ этилди. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ўрта аср Марказий Осиё мутафаккирлари - Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқаларнинг ахлоқ ҳақидаги фалсафий қарашлари ва таълимотлари шахс маънавий-ахлоқий ривожига алоҳида аҳамият касб этади.

Узоқ тарихий ривожланиш жараёнида Ўрта Осиёнинг буюк алломалари, олиму фузалолари ва шоирларини ахлоқ муаммолари қизиқтириб келган. Шу сабабли Ўрта Осиёнинг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий қарашлари тарихида ахлоқ ва таълим-тарбия соҳасига лоқайдлик билан қараган бирон-бир мутафаккирни топиш мушкул. Ҳар бир мутафаккир у хоҳ табиатшунос, мусиқашунос, файласуф, ёзувчи, шоир, ижодкор бўлишидан қатъий назар, ахлоқ масалаларига ўз муносабатини билдириш билан бирга, ахлоқнинг у ёки бу соҳаси бўйича тадқиқот олиб борганлар. Бу тадқиқотларнинг тарихий илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади.

Шуни ҳисобга олган Президентимиз ахлоқий меросимизни мустақиллик даврига татбиқ қилиб, аждодларимизнинг ахлоқий тарбия борасидаги маънавий меросини ўрганиш, унинг муҳим хусусиятларидан умумий хулоса чиқариб, айти кунларда мустақиллик маънавияти талаб

қилаётган маънавий, ахлоқий, маданий-маърифий йўналишда иш олиб боришга эътибор қаратмоқда. Президент И.А.Каримов бу соҳанинг қанчалик амалий аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, тарихий меросимиз бўлган "Авесто" ҳақида сўзлаган нутқида "Қадимги аجدодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз инсон бўлиши керак"<sup>1</sup>, -дейди.

Бу фикрлар инсоният тарихида одамлар онги ва шуурига ҳаромдан ҳазар қилиб, адолат, ҳақиқат, эзгулик, меҳнатсеварлик каби тарбияга оид ғоялар, қарашлар уруғини сочган буюк аجدодимиз Зардўшт ахлоқий меросига ва унинг муҳим хусусиятига қаратилганлигидадир. Дарҳақиқат, Зардўштнинг бутун ғоя ва қарашлари бундан 2700 йил олдин яратилган "Авесто" саҳифаларида баён этилган. Унда айтилишича, Зардўшт бутун маънавий ва амалий фаолиятини эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амални тарғиб қилишга қаратган. Донишмандлар пешвоси Зардўшт томонидан яратилган "Авесто"да ўз даври учун муҳим бўлган маънавий-ахлоқий тамойиллар, пандномалар, ҳикоя ва ривоятлар баён этилган бўлиб, улар ҳозирги кунда мустақилликни қўлга киритган республикамиз фуқароларини маънавий-ахлоқий тарбиялашда муҳим омиллардан бирига айланган. Ўрта Осиёда маданий мерос ва фалсафий тафаккур тарихини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш, аввало унинг муҳим босқичларини тарихийлик принципини, тарихий ёндошиш асосида даврлаштиришни тақозо этади. Бу вазифа бевосита Марказий Осиё мутафаккирлари ахлоқий қарашларининг тарихий босқичларини ва унинг муҳим хусусиятларини тадқиқ этиш билан ҳам бевосита боғлиқ. Бу борада академиклар И.М.Мўминов, М.М.Хайруллаев, А.Файзуллаев, профессорлар М.Баратов, М.Болтаев, А.Шарипов, Р.Носиров, Х.Алиқулов, Ю.Жумабоев, Ш.Мамедов ва бошқалар томонидан жиддий тадқиқотлар амалга оширилган.<sup>2</sup> Юқорида номлари зикр этилган олимлар ўз асарларида Ўрта Осиёда фалсафий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7 т. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999.Б.239

<sup>2</sup> Қаранг И.Муминов. Из истории общественно-философской мысли в Туркестане конца XIX-начала XX вв, Тошкент: Узполитиздат, 1957

тафаккур тарихини ўзларининг илмий тадқиқот доирасида у ёки бу тарихий босқичнинг энг муҳим фалсафий йўналишлари ва хусусиятларини, ахлоқий таълимотлар ривожланишини шу фалсафий –тарихий жараёнда тутган ўрни ва ролини кўрсатиб берганлар. Уларда илгари сурилган ва илмий жиҳатдан исботланган фикрларга таянган ҳолда Ўрта Осиёда узоқ тарихий даврлар давомида шаклланиб ва сайқаллашиб келган ахлоқий меросни муҳим босқичларини мухтасар қилиб қуйидагича таърифлаш мумкин деб ўйлаймиз.

1-босқич. Мустақиллик шарофати билан фалсафий, унинг таркибий қисми бўлган ахлоқий меросимизнинг тарихий илдизлари уч минг йилларга бориб етишини англаш ва бу ҳақда баралла гапириш имконига эга бўлдик. Бунинг ёрқин мисолини муқаддас тарихий ёдгорлик, “Авесто”ни Амударё соҳилларида, Хоразм ўлкасида вужудга келгангини эътироф этилганидан кўришимиз мумкин. “Авесто”ни 2700 йиллигини нишонлашга бағишланган тантанали маросимда Республикамиз Президенти И.А.Каримов чуқур мамнуният билан сўзлади. Демак, икки дарё оралиғида Мовароуннаҳрда истиқомат қилиб келган халқимизнинг ахлоқий мероси тарихининг биринчи босқичи Зардуштийликка асосланган маънавий-диний меросдан бошлаб эраимизнинг илк ўрта асрларигача давом этади. Президентимиз таъкидлаганидек, “Авесто”да ахлоқий талаблар мажмуаси “Шарқона ахлоқ кодекси” мужассамлашган бўлиб, у то араблар истилосига қадар маҳаллий аҳоли турмуш тарзининг ахлоқий меъёрлари асоси бўлиб келган. “Ўрта Осиё, деб ёзади академик Н.И.Конрад энг қадимги даврларданок инсоният цивилизациялари йўллари туташган ёки кесишган манбаси бўлган, унинг ўзи ҳам ана шу цивилизациянинг марказларидан бирини намоён этган. Маънавий-фалсафий тараққиёт ва ахлоқий тамойиллар шундай асосларга таянган ҳолда, асрлар чегарасидан хатлаб ўтиб, кейинги буюк ривожланишни юзага келтирди”.<sup>1</sup>

II-босқич. Академик М.М.Хайруллаев бу босқични Шарқ уйғониш (ренессанс) даври деб таърифлайди. Бу фикрни тасдиқлаш мақсадида тарихчи

---

<sup>1</sup> Н.И.Конрад. Запад и Восток. М: 1972, С. 81-82.

олимларнинг, хусусан Адам Менцнинг “Мусульманский Ренессанс”(1966) ҳамда Н.И.Конраднинг “Запад и Восток”(1972) номли фундаментал асарларидан изоҳлар келтиради. Ахлоқий мероснинг бу босқичини хронологик нуқтаи-назардан IX-XII асрлар билан чегаралаш, гуллаб-яшнаган маданият ва фалсафа замирида таҳлил қилиш тўғри бўлади. Бу даврда Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқда илм-фан, фалсафа, тасаввуф, мантиқ бекиёс даражада ривожланган. Ал-Киндий ва Абу Наср Форобий яратган шаклан ислом фанлари, пантеистик мазмунга эга бўлган таълимот ва дунёқарашлар ислом динига ҳамда чинакам инсонпарварликка асосланган ахлоқий меъёрлар жамият ва давлат ҳаётида устуворликка эришган. Ахлоқий меросни шу нуқтаи-назардан алоҳида босқич сифатида тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Уйғониш даври учун моҳиятан муҳим аҳамиятга эга, бўлган уч хусусият хос эдики, улар ахлоқий меъёрларни кўп жиҳатдан асосларини кўрсатиб беради% инсонийликни кенг ва эркин хис қилиш, бадиий ва интеллектуал фаолиятнинг биринчи маррасига инсонни чиқиши, инсонпарварлик; инсон аклини қотиб қолган ақидапарастлик кишанларидан озод бўлиши; қадимги алломаларга, антик дунёга таяниш ва уларнинг эришган ютуқларидан кенг фойдаланиш.

IX-XI асрлар Яқин ва Ўрта Шарқда араб халифалиги ҳукумронлиги бўлиб, бу даврда илғор мутафаккирларнинг антик дунё фалсафасига, айниқса аристотелизмга қизиқиши катта бўлган. Мусулмон дунёсига энг аввало IX-XI асрлардаги Ўрта Осиё мусулмон дунёсига мурожаат қилайлик, деб ёзади Н.И.Конрад. Бу юз йилликларда ўша давр учун энг буюк бўлган фан, фалсафа ва маорифни гуллаб-яшнаши юз бергани бизга маълум. Яна шу ҳам маълумки, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино (Авиценна), Мусо ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний каби ўша гуллаб-яшнаш даврининг замондошлари қадимги дунёни илмий меросини қабул қилган ҳолда ўша даврни миллий ва фалсафий йўналишини яратдилар. Улар барча қадимги буюк цивилизацияларнинг манбаларига ўз нигоҳларини қаратдилар, ёхуд улар ўзларининг тарихий тақдири ўлароқ боғланган эдилар. Шунинг учун IX-XI асрларда Фан ва фалсафанинг ҳақиқий Ўрта Осиёлик арбоблари – чинакам инсонпарвар бўлиб

янгича билимлилик, янгича маориф яратиб ўз давридан бир неча асрларга илгарилаб кетдилар.

Марказий Осиёлик мутафаккирлар Мусо ал Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Фирдавсий, сўфизмнинг Абдухолик Гиждувоний, Аҳмад Яссавий, Мотрудий каби жаҳон цивилизациясининг буюк олимлари ва илоҳиётчилари IX-XI асрларда Боғдод, Дамашк, Исфаҳон, Нишопур, Самарқандда илм-фанни, маданиятни, маорифни шунингдек ислом илоҳиётини энг юқори чўққига олиб чиқиб, шон-шуҳратга эга бўлганлар. Айни шу ғол маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳам улуғ аждодларимиз юксак мартабага эга бўлганлигини ва ахлоқий меросимизнинг энг катта босқичи эканлигини билдиради. Италияда XIV-XVI асрларда юз берган уй-ониш даврини тадқиқ этган таниқли олим И.Н. Голенищев-Кутузов шундай деб ёзади, Яқин Шарқ X-XII асрларда Ғарбий Европага нафақат Аристотель, Птолемей, Гален асарларига шарҳларни, грек-араб тилларидаги асарларни берди, балки Боғдод ва Кордовада VIII-XII асрларда мусулмон Ўрта Осиёсидан чиққан математик ва мутафаккирлар билан боғлиқ ажойиб илмий мактабни ҳам яратдики, уларнинг илм-фан ва маданиятда кўрсатган таъсири кейинги XIV-асрларда Ғарбий Европада уйғониш даврини бошланишига сабаб бўлди.<sup>1</sup> Хуллас, IX-XII асрларда Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқда юз берган маданий, илмий, маърифий уйғониш ахлоқий меросимизнинг энг буюк босқичи ва олтин фондини ташкил қилади.

III-босқич. Бу босқич Ўрта Осиёда илғор фалсафий таълимотларни ва ижтимоий-сиёсий ғояларни яратилиши билан боғлиқ бўлиб, маънавий-ахлоқий меросимизни авлоддан-авлодга буғубор ўтиб-ўсиб келганлигини кўрсатади. Бу ҳақда академик В.М.Жирмунскийнинг куйидаги фикрлари жуда характерлидир. Улуғбек даврида Самарқанд (XV асрнинг биринчи ярми) ва айниқса Навоий вақтидаги Ҳирот (XV-асрнинг иккинчи ярми) кўп жиҳатдан Ренессанснинг биринчи гуманистлар ва буюк рассомлар Бокаччо ва Петрарки Италия уйғониш

---

<sup>1</sup> .Қаранг: М.М.Хайруллаев. Культурное наследие и история философский мысли. Ташкент.: Узбекистан, 1985,С-62.

давридаги шаҳарларни эслатади. Бу шаҳарларда ҳам биринчи дунёвий маданият, эркин фикрлаш ва ҳаётдан нозик лаззатланиш фалсафаси яратилди. XIV-XV аср маданияти, фани, тафаккури ҳақида шундай фикрларни атоқли ўзбек олимлари Қори Ниёзий, И.Мўминов, М.Хайруллаевлар ҳам ўз асарларида фахр билан айтиб ўтганлар. Айни бир вақтда феодал тузум ҳукумронлик қилган шароитдаги адолатсизлик, зулм ва диний жаҳолатпарастлик тўғрисида ўша давр мутафаккирлари ҳамда кейинги даврлардаги тадқиқотчи олимлар ҳам ёзиб қолдирганлар. Ана шундай ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, диний-руҳий мураккаб, чигал бир шароитда ҳам халқимизнинг маънавий-ахлоқий асосларини сақлаб қолган ва ахлоқий меросимиз ривожланиб борган.

IV-босқич, ёки шартли равишда йўналиш сифатида тасаввуф(сўфизм) оқимини ҳам олиш мумкин, Бугунги кунда республикамиз олимлари тасаввуф таълимотининг фалсафий-ахлоқий жиҳатларини илмий тадқиқ этиш борасидаги изланишлари борасидаги изланишлари эътиборга лойиқ. Шу маънода тасаввуф бизнинг юртимизда, хусусан Самарқанд, Бухоро, Қарши мадрасалари ва бошқа илмий муассасаларида VIII-XII асрларда етакчи диний-илоҳиёт ва илмий-фалсафий йўналиш бўлганлигини назарда тутиб, унинг ахлоқий меросимизда алоҳида босқич эканлигини таъкидламоқ зарур.Тасаввуф фалсафий анъаналаримизни юқори босқичга олиб чиқди, янги фалсафий таълимотоларни, жумладан пантеизм каби, ўз даври учун жуда илғор оқимни вужудга келиши ва ривожланиши учун йўл очди. Бу ҳол ҳам ахлоқий меросимизни муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

V-босқич. Маълумки, буюк Амир Темурнинг марказлашган қудратли империяси парчаланиб кетиши натижасида Мовароуннаҳрда сиёсий таназзул билан бирга маданий-маънавий емирилиши ҳам юз берди.XVI-асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар (Бобораҳим Машраб, Сўфи Оллўёр ва бошқаларни ҳисобга олмаганда) бу диний-маънавий фожеа давом этади. Шуни назарда тутиб маънавий-ахлоқий меросимиз тарихини XIX асрни иккинчи армида яшаб ижод этган маърифатпарварлар Муқимий, Фурқат, Анбар Отин,



Завқий, Аваз Ўтар, Сатторхон ижодий фаолияти билан боғлиқ эканлигини таъкидлаш зарур.

VI-босқич. Бу давр, таъбир жоиз бўлса, Ўрта Осиёда, энг аввало Ўзбекистонда яна бир уйғониш даврини вужудга келиши билан боғлиқ. Янги ижтимоий-иқтисодий шароитда, буржуа муносабатларини шакллана бориши бу ерда маърифатчилик-жадидчилик ҳаракатини вужудга келтирди. Жадидизм янгича усул мактаблари асосида халқ онгини уйғотиш, мустақиллик учун илм-маърифатга эришиш, ёшларни Европанинг илғор маданияти билан таништириш, вужудга келаётган буржуа ахлоқининг зарарли таъсиридан ёшларни ҳимоя қилиш каби илғор фикрлар билан чиқди. Ана шу замирда қадимдан шаклланиб, халқимизнинг ахлоқий қадриятлари билан шаклланиб келаётган янги замон ахлоқ тамойиллари билан уйғун ҳолда қўшишга интилаётган зиёлиларнинг катта бир қатлами вужудга келди. Махмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний каби маърифатпарвар-зиёлилар бу қатламнинг олдинги сафида эдилар.

VII-босқич. Ахлоқий меросимизга жуда катта хавф ва таҳдид солган шўролар даври билан боғлиқ. Шўролар босқинчи-империалистик ғояга яъни “миллатни тобе қилмоқни истасанг уни тарихи, маънавиятидан узиб ташла” деган тамойилга асосланиб сиёсат юритди. Бу даврда оила, таълим-тарбия муассасалари, масжидлар бузиб ташланди, руҳонийлар, зиёлилар, эркин фикр юритувчи барча олиму-фузалолар қатағон қилинди. Буларнинг барчаси биринчи навбатда халқимизни маънавий-ахлоқий меросимизни барбод қилиши ва маънавий жиҳатдан қул қилишга қаратилган сиёсат эди.

Аммо, ўзбек халқининг кўплаб виждонли, жасоратли, чидам ва матонати, кураши, ижодий фаолияти натижасида ахлоқий меросимиз сақланиб қолди ва келгуси авлодларга етказиб берилди. Бу босқичда ахлоқий меросга бўлган муносабатни зарарли оқибатларини ўрганиш, маънавий-ахлоқий меросимизнинг аҳамиятини янада ойдинроқ ёритишга ёрдам беради.

VIII-босқич. Маънавий-ахлоқий меросимизга мустақиллик йилларидаги муносабатининг чуқур инсонийлик, тарихимизга ҳурмат, буюк

аждодаларимизни улуғлаш, умуминсоний қадриятларга содиқлик, ватанпарварлик, халқаро дўстлик, миллатлараро ва динлараро бағрикенглик каби тамойилларга асосланиши ахлоқий меросимизни баркамол авлод тарбиясидаги бебаҳо ролини кўрсатиб туради.

Шунга асосланиб халқимизнинг ахлоқий меросини тадқиқ этиш ўрта аср Ўрта Осиё мутафаккирлари ахлоқий қарашларининг муҳим хусусиятлари ва уларнинг мустақиллик учун бўлган аҳамиятига эътибор қаратиш ўринлидир.

Маълумки, Ўрта Осиёда фалсафий-ахлоқий таълимот асосчиларидан бири Абу Наср Форобийдир. У фаннинг барча соҳаларига қизиққан, нодир асарларни яратиб, кейинги авлодларга мерос қилиб қолдирган. "Форобийнинг фалсафий тизими янги оригинал тизим бўлиб, унда аристотелизм йўналиши етакчи ва устун эди".<sup>1</sup> Унинг фалсафий тизими Ўрта Осиёда ва Шарқ мамлакатларида илғор ижтимоий-фалсафий, ахлоқий фикрларнинг ривожланиши тарихида алоҳида мавқега эгаллиги шунда кўзга ташланади.

Форобийнинг ижтимоий-фалсафий, сиёсий соҳаларга бағишланган "Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари", "Шаҳарни идора этиш ҳақида рисола", "Шаҳар жамоалари ҳақида рисола", "Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида" каби қатор фалсафий характерга эга бўлган асарларида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига, жумладан комил инсон ва унинг ахлоқий масалаларига алоҳида эътибор берилганлиги ҳам унинг муҳим хусусиятларидан ҳисобланади. Форобий ахлоқий меросининг муҳим хусусиятларидан бири ахлоқий камолотни "бахт" тушунчаси орқали баён этганлигидадир. "Бахт-саодатга эришишнинг бирдан-бир йўли барча эзгу ишларни хайрли ниятлар ила бажариш, фазилатли амалларга таяниш баробарида разолат ва бахтсизлик келиб чиқариши мумкин бўлган ишлардан ўзини тия билишдир... Фазилатнинг жозибаси унинг хайрли амаллар илдизидан келиб чиққанлигидандир... Ушбу далилга кўра, бахт-саодат хайрли амал ва фазилат билан узвий боғлиқдир"<sup>2</sup>,- деб таъкидлайди мутафаккир.

<sup>1</sup> Хайруллаев М. Мироззрение Фараби и его значение в истории философии. –Ташкент: Фан, 1963. С- 317

<sup>2</sup> Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. Тошкент: 2001, Б.12

Бахт-саодатга эришиш учун барча шаҳарларга ўзаро ёрдам берувчи халқ фазилатли ва етук халқдир. Шунинг учун улар доимо ҳамма соҳада бир-бирларига ёрдам берсалар, бутун ер юзи фазилатли шаҳарга айланади, деган ғояни Форобий илгари суради. Форобий билдирган фикр-мулоҳазаларнинг моҳияти албатта мутафаккир яшаган давр нуқтаи назаридан тушунилади, чунки бугун барча давлатлар бозор иқтисодиёти шароитида ривожланмоқда, яъни шахслараро муносабатларда янги принциплар ва мезонлар вужудга келмоқда. Шунинг учун рақобат, тадбиркорлик каби ҳолатлар ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланмоқда. Форобий ахлоқий меросининг яна муҳим хусусиятларидан бири ҳаётимизнинг бошқа муҳим масалаларига ҳам эътибор қаратганлигидадир. Масалан, бахт-саодат жуда кенг маънони англатувчи тушунча бўлиб, у бошқа категорияларни ҳам ўз ичига олади. Шунга кўра, у инсоннинг барча имкониятларини бахтга эришишдан иборат бирдан-бир мақсаддан ҳосил бўлади, деб изоҳлайди.

Киши ўз ҳаётида ҳақиқий бахт деб аталувчи энг юксак камолотга эришиш учун яратилган деб тушунади. Форобийнинг фикрича, бахт-ақл ва фан ёрдамида маънавий маданиятнинг шу даражасига эришадикки, бу маданият инсон ўлгандан кейин ҳам ёки бутун бир авлод ўлиб кетгандан кейин ҳам инсониятга хизмат қилаверади. Бахт маънавий маданиятнинг аста-секин жамланиб бориш жараёнида бир авлоддан иккинчи авлодга ўтиш, тобора янги-янги ютуқлар билан бетўхтов бойиб бориш хусусиятига эга.

Форобий ахлоқий меросининг хусусиятларидан бири, қадриятларнинг кишилараро муносабатида муҳим аҳамиятга эга эканлигида. У билимдонлик, адолат, шижоаткорлик, хушфёъллик, саховатпешалик, қатъиятлик, зукколик ва бошқаларда кўзга ташланиб комил инсоннинг муҳим фазилатларидан деб билишлигидадур. Аллома инсоннинг бу дунёга келишидан мақсади бахт-саодатга эришишдир, деб ўйлади. Унингча, ақл, илм-маърифат ва ахлоқ бахт-саодатга эришишнинг асосий воситасидир. Бахт-саодат, олим фикрича, эзгу ва хайрли ишларни бажариш, яхши фазилатларни эгаллаш ва нафсни тийишдир. «Бахт-саодат ўз моҳиятига кўра, шундай хайрли ва матлуб

нарсадирки, инсон ундан бошқа ёқимлироқ ва улуғворроқ нарсани кўлга киритиши мумкин эмас»<sup>1</sup>.

Фаробий ахлоқий меросининг муҳим хусусиятлари ҳақида фикр юритилганда у ўз замонасидаги шахсиятпарастлик ва худбинликни, моддий неъматларни адолатсизлик билан тақсимлаб олишни ахлоқсизликнинг энг разил кўриниши ва бу муқаррар равишда тубан иллатларга олиб келишлигини илмий-фалсафий жиҳатдан асослаб беришлигида кўринади.

Фаробий ахлоқий меросининг бу хусусиятлари кейинги давр мутафаккирлари ахлоқий фикри ривожига самарали таъсир кўрсатди. Бу ҳол Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Юғнакий, Паҳлавон Маҳмуд каби қатор мутафаккирлар фалсафий-ахлоқий меросида яққол кўринади.

Қомусий олим ва мутафаккир, қатор табиий-илмий, асарлари билан жаҳон фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган сиймолардан бири Абу Райҳон Беруний (973-1048)дир. У фаннинг барча соҳаси бўйича ижод қилган аллома саналади. Беруний ахлоқий меросининг ўзига хослиги шундаки, инсон ижтимоий ҳаётда олимлик даражасига кўтарилиши учун аввало ахлоқий фазилатларга мос келмайдиган ҳар қандай пасткашликдан, яъни ҳақиқатни кўришга имкон бермайдиган хислатлардан ўзини тозалаши керак. Шундан кейингина илмий тадқиқот билан шуғулланиши мумкин. Чунки ҳар қандай киши, жумладан олимликка даъвогар шахс ҳам энг аввало, ахлоқий фазилат соҳиби, ҳалол, ҳақгўй ва муруватли бўлиши даркор. У муруватни инсоннинг чинакам ахлоқий хислатларидан бири деб билади.

Мутафаккир муруватли хусусиятга асосланган ахлоқий қарашларида асосан "мулозамат, раҳмдиллик, қатъият, сабр тоқат ва камтарлик"<sup>2</sup>ни инсоннинг юксак фазилатларидан бири дейди. Унингча, муруватлилиқ инсоннинг юксак ахлоқий камолотидир.

Дарҳақиқат, ижтимоий тафаккур тарихига назар ташласак, инсоннинг ахлоқий камолоти унинг маънавияти, маданиятининг марказий муаммолардан бири

---

Абу Наср Фаробий. Фазилат, бахт саодат ва камолат ҳақида. Қодиров М. таржимаси Тошкент: Ёзувчи, 2002. Б.13

<sup>2</sup> Абу Рейхан Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минерология). — Л., 1963.С-14

эканлигига ҳеч шубҳа туғдирмайди. Чунки инсон мураккаб ва хилма-хил кўринишга эга бўлган моҳият. У дунёга келганидан то ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топгунга қадар тарбияга муҳтож. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Абу Райхон Беруний ахлоқ соҳасида махсус асар ёзмаган бўлса-да, унинг бу борадаги фикрлари диққатга сазовордир. Олим ўзининг «Ҳиндистон», «Минерология», «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» ва бошқа асарларида ахлоқ масалаларига ақл, илм ва билиш нуқтаи назаридан ёндошади. Энг аввало, у илм жамият эҳтиёжлари натижасида вужудга келганлигини таъкидлайди. Шу билан бирга у илмга қизиққан, у билан машғул одам хулқ-одобли бўлиши зарурлигини таъкидлаб, нодонлик ва жоҳилликни инсоннинг тубан ва ярамас одати сифатида қоралайди. Беруний инсонни пастга урадиган нодонлик, нафсга берилиш, таъмагирлик, ёлғончилик, одобсизлик каби тубан иллатларни танқид қилди. Масалан, аллома ғаразгўйлик ҳақида шундай дейди: «Ғаразгўйлик шундай бедаво дардки, ундан инсон ахлоқий мижозини тубдан ислоҳ қилмасдан туриб, қутулиб олиш ўта мушкулдир. У инсон зотини тубанлик, маънавий ҳалокат ёқасига элтиб, «кўрар кўзларни кўр, эшитар қулоқларни кар қилиб, ақл-эътироф этмайдиган нарсаларни қабул этишга чақиради»<sup>1</sup>. Беруний инсоннинг энг яхши фазилатларига эзгулик, яхшилик, меҳр-шафқат, одиллик, ростгўйлик, билимдонлик ва бошқаларни киритади. Масалан, аллома тўғри сўзлаш, ростгўйлик ахлоқий фазилатларнинг ичида аълоси деб ҳисоблаб, уни адолат билан бир қаторга қўяди: «Ҳамманинг табиатида адолат бевосита севиқли ва ҳамма унинг яхшилигига қизиқадиган бўлгани каби, ростгўйлик ҳам шундай»<sup>2</sup>.

Беруний ахлоқий меросининг муҳим хусусиятларидан бири, халқлар ўртасидаги дўстликни улуғлашдир. У ўзининг «Ҳиндистон» асарида турли динларга эътиқод қилувчи мусулмонлар ва ҳиндларни дўст бўлиб яшашга чақирди. Аллома хиндларнинг урф-одати, турмуш тарзи ва маросимларини чуқур ўрганди, уларга ҳурмат билан қаради. Айни бир вақтда кастачилик

<sup>1</sup> Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1 т. Тошкент: Фан Б.101

<sup>2</sup> Абу Райхон Беруний. Ҳиндистон. Танланган асарлар. 2 т. Тошкент: Фан. 1965. Б.26

муносабатини қоралаб, бу одат бошқа халқлар маданиятини ўрганишга тўсқинлик қилади, миллий маҳдудликка олиб келади, деган фикрни илгари сурди. Аллома барча динларга бир хил муносабатда бўлиб, насроний, яхудий ва ислом динига бир хил қаради. Бундан кўринадикки Беруний ахлоқий меросининг ўзига хос томони барча динларга бир хил муносабатда бўлишлигида ҳам кўзга ташланади.

Шулардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, Берунийнинг ахлоқ-одоб ҳақидаги ғоя ва қарашлари республикамиз фуқаролари тарбиясида, хусусан ёшлар тарбиясида, ҳозирги кишилар маънавиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Мутафаккирнинг ахлоқий мероси бугунги кишиларни маънавиятли, маърифатли, маданиятли, ахлоқ-одобли қилиб тарбиялашда қўлланма ва йўлланма вазифасини ўташи шак-шубҳасиздир. Зотан, ижтимоий ҳаётга уни тадқиқ этишнинг аҳамияти ҳам шундадир.

Мустақиллик даврида ахлоқий меросни тадқиқ этишнинг асосий хусусиятлари ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларимизни асослаш учун ўтмиш аждодларимизнинг бизга мерос қилиб қолдирган ахлоқий меросига қайта-қайта муурожаат қилсак, у шунча эътиборли ижтимоий аҳамият касб этиб боради.

Бу борада Ибн Синонинг ахлоқий меросига назар ташласак, унинг ахлоқий мероси ўзига хос хусусиятга, кўринишларга эга эканлигини кўрамиз. Ибн Сино қадимги юнон фалсафасидаги ахлоқ ва ахлоқий таълимотларни ўзлаштириш билан бирга Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний кабиларнинг "яхшилик" ва "ёмонлик", "роҳат-лаззат", "азоб-уқубат", "бахт", "мамнуният" каби тушунчалари ҳақидаги қарашларини ўзича талқин қилишга ҳаракат қилган. Абу Наср Форобийда яхшилик ва ёмонлик тушунчалари жуда ҳам умумлаштирилган хусусиятларда берилади. "Бахтга эришиш учун,- дейди Абу Наср Форобий,- фойдали бўлган ҳамма нарса ва бахтга эришилганда ишга солинадиган ҳамма нарса яхшиликдир ... ва бахтга бирма-бир даражада тўсқинлик қиладиган ҳамма нарса мутлақо ёмонликдир"<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Хайруллаев М. Мироззрение Фараби и его значение в истории философии. -Ташкент: Фан, 1967. С-317

Абу Наср Форобий фалсафий қарашларида барча ахлоқий қоидалар, яхши ёки ярамас хатти-ҳаракатлар, инсоннинг барча ҳаракатлари инсон ўз бахтига эришишга қандай муносабатда бўлиши билан боғлиқдир. Ибн Синонинг яхшилик ҳақидаги қарашлари икки маънога эга бўлиб, биринчиси ўз табиатига кўра яхшилик бўлса, иккинчиси бирор кимса учун қилинган яхшилик кўзда тутилади. Унинг фикрига кўра, яхшиликнинг биринчи хусусияти нарсалар ўз табиатига кўра яхшиликни ўз ичига олади. Иккинчи хусусиятида эса у баҳоловчи аҳамиятга молик бўлган ахлоқий категория сифатида майдонга чиқади. Аниқроқ қилиб айтилганда, шахснинг ахлоқий қиёфасига, хулқ-атвориغا боғлиқ бўлади. Бир томондан, яхшилик уни рўёбга чиқарувчи кишига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, бу яхшиликни ҳис этувчи кишига тегишлидир.

Ибн Синонинг фикрига кўра, яхшиликка олиб борадиган йўл фақат инсоннинг камолоти орқали бўлиши мумкин. "Умум тан олган фикрга кўра, яхшилик қилиш нияти қадр-қиммат ва камолот белгисидир"<sup>1</sup>, дейди олим ўзининг "Донишнома" асарида. Мутафаккирнинг фикрича, яхшилик доноликда, донолик эса моддий дунё ходисаларини билиш орқали қўлга киритилади. Одамнинг моҳиятини донолик, ақлли руҳ белгилайди. Бу руҳ унинг барча фаолиятининг сабабчисидир. Инсон фаолиятининг сабабчиси бўлган руҳ моддий эмас, жисм ҳалок бўлади, аммо руҳ ўлмайди, деган фикрни илгари сурганлигидадир. Яхшиликни ёмонликдан ажратадиган ва кишининг чинаккам бахтли бўлиши учун имконият яратадиган омил – бу эътиқоддир, - дейди Ибн Сино. Ибн Сино ахлоқий меросининг муҳим хусусиятларидан яна бири ёш авлод тарбиясига бўлган муносабатида кўзга ташланади. Ибн Сино ўзининг бир қатор асарларида, хусусан, «Тадбир-э манзил» рисоласида<sup>2</sup> ёш авлод тарбиясига катта эътибор беради. Олим фикрича, бола оилада, мактаб ва жамоада камол топади. Инсонда яхши фазилатлар пайдо бўлишида унинг бошқалар билан алоқада бўлиши, дўстлар орттириши, бировлар билан

---

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сина. Данишнамэ .Сталинабад, Таджгосиздат. 1957. С-217

<sup>2</sup> Абу Али ибн Сина. Тадбирэ манзил .Техрон, 1319 ҳижрий. Б.4

қўшничилик қилиши, ёмон кишилардан қочиши, яхши муҳитда тарбияланиши даркор. Бола тарбиясида оила ва мактабнинг ўрни бекиёсдир. Мактабда муаллим ўқувчига турли фанлардан сабоқ бериш билан бирга, яхши хулқ-одоб қоидалари ва касб танлашни ўрганиши керак. «Мутафаккирнинг асарларида, - деб таъкидлайдилар Р.Носиров ва З.Қодирова, – жумладан, «Тадбир-э манзил» рисоласида ҳам инсон табиати азалдан ахлоқли ёки ахлоқсиз бўлмайди, деган ғоя муҳим аҳамият касб этади. Аслида одамлар тайёр фазилат, одат ва ҳаётий кўникмалар билан туғилмайдилар»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, Ибн Синонинг асарларида инсон яхши ва ёмон бўлиб туғилмайди, балки яшаш давомида, ўзгалар таъсири остида, ҳаётий тажриба натижасида, донишмандларнинг ахлоқий меросини ўзлаштириб, таълим-тарбия, ташқи муҳит таъсирида камолга етади, деган қараш ётади. Ибн Сино ахлоқий меросининг муҳим хусусияти ҳам шунда кўзга ташланади.

Ушбу давр мутафаккирларининг ахлоқий таълимотлари инсоннинг Амалий фаолияти билан узвий боғланган бўлиб, бошдан оёқ инсонпарварлик руҳи билан суғорилган эди. Улар ҳамма ахлоқий фазилатларга эга бўлган комил инсонни тарбиялашга, пировард мақсад инсоннинг бахтли ҳаётга эришиш воситаларини баён қилишга қаратилган эди: “Шарқ мутафаккирлари гуманизмининг таркибий қисми – бу инсонга муҳаббат, унда энг олий қадриятларни кўриш, унинг бахти ҳақида орзу қилиш, шу мақсадларда инсон ҳаётини яхшилаш йўллари излаш”<sup>1</sup>, - деб таъкидлайди академик М.М.Хайруллаев. Улар ақлнинг қудратига, унинг билиш қобилиятига катта баҳо бериб, ахлоқ илмининг муҳим муаммоларини ечишда кишиларнинг интеллектуал малакаларидан фойдаланиш зарурлигини уқтирдилар. Уларнинг фикрига кўра, илмдан мақсад халқнинг турмушини, маънавиятини, хулқ-одобини яхшилашдир. Шунинг учун олим дуч келган Фан билан шуғулланмаслиги керак, балки инсонга, жамиятга нафи тегадиган зарур бўлган билимни қунт билан ўрганиш керак, деб таъкидлайдилар.

---

<sup>1</sup> Хайруллаев М.М. XIV аср охири ва XV асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда маданий юксалиш. \\Маънавият юлдузлари. Тошкент: 1991, Б. 18



Энг зарур билимни кунт билан ўрган,  
Зарур бўлмаганни ахтариб юрма.  
Зарурини ҳосил қилгандан кейин,  
Унга амал қилмай умр ўткурма<sup>1</sup>.

Мазкур давр мутафаккирлари ахлоқий қарашларида адолат тушунчаси алоҳида ўрин эгаллаб, у одамлар ўртасидаги муайян алоқа ва муносабатларни билдиради. Адолат қандайдир қотиб қолган тушунча бўлмай, одамларнинг ижтимоий турмуши билан боғлиқ, маълум даражада реал воқеликни акс эттирган. Улар адолатни ёвузликка, зулмга, зўравонликка, эзишга қарама-қарши қўйдилар. “Адолат дунёни гуллаб яшнатади, зўравонлик уни саҳрога айлантиради. Адолат нури минг фарсахдан кўриниб туради, зўравонлик эса, минг фарсах ерни зулмат билан қоплайди”<sup>2</sup>.

Ўрта Осиё мутафаккирлари ахлоқий қарашларининг муҳим хусусиятлари ҳақида юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, уларнинг ахлоқ, хулқ-одоб, таълим-тарбия, комил инсон, ахлоқ ва илм –фан бирлиги, адолат, турли тоифаларнинг маънавий қиёфаси каби долзарб масалалар холисона, янгича тафаккур, тарихийлик тамойиллари асосида тадқиқ қилиниши ва улардан баркамол инсонни тарбиялаш муаммосини ижобий ҳал қилишда самарали фойдаланишни тақозо қилади.

---

<sup>1</sup> Жомий А. Боҳористон, Танланган асарлар. Тошкент: 1971. Б. 332

<sup>2</sup> Ўша китоб. Б.64

## 2.2. Алишер Навоий асарларида ахлоқ масалалари.

Барча буюк ижодкорларда бўлгани каби Алишер Навоий асарларида ҳам ҳаёт бутун бир мураккаблиги билан тилга олинади. Таъриф ва танқид, нафрат ва муҳаббат, шукуҳ ва тушкунлик, рухий парвоз ва маҳзунлик туйғулари бир-бирини алмаштириб келади, аммо шоир ушбу зиддиятларни қиёслар экан, ҳамма вақт эзгу ғоялар тантанасини кўзлаб фикр юритади ва комил инсон ахлоқини намуна қилиб кўрсатиб, жамият воқеалари, одамларнинг аъмолу ишларига шу мавқедан туриб баҳо беради. Шунга биноан, Навоий жамики сохтакорлик, ёлғончилик, адолатсизлик, иккиюзламачилик, зулмкорлик, таъмагрлик ва ясама муомала-муносабатлар, каллоблигу тилёғламаликни кучли бир нафрат билан қоралайди. Ва бунга муқобил равишда самимият, ростгўйлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, сидқу сафо, ақлу инсофни мадҳ этади.

Даҳо шоирнинг ижоди ранг-баранглигу гавҳарларга тўла кенг ва чуқур уммон ёки ҳеч бир тугамайдиган баҳоси йўқ хазина деб таърифланганда ҳам оз. Чунки ўтса ҳамки неча аср ва замонлар ана шу беқиёс уммонга шўнғиш имкониятига эга бўлганлар янги-янги турли дуру-гавҳарлар топмоқдалар.

Биз Навоийни янада яхшироқ билмоқчи, тушунмоқчи бўлсак, унинг ҳам шахсияти, ҳам ҳаёти ва ижоди, ҳам ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий фаолиятини чуқурроқ ўрганишга ва шу билан бирга унинг серқирра ижодидаги фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-ахлоқий ғояларига алоҳида эътибор қаратишимиз керак бўлади.

Биз Навоийни ўрганиш тўғрисида гап кетганда “жиддий ва чуқур ўрганиш” тарафдоримиз. Албатта бундай ўрганиш унинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва маънавий дунёқарашини ўрганишга алоҳида эътибор қаратишни тақазо этади. Лекин шу нарсани таъкидлаш жоизки, тараққиётнинг ҳар бир даврида унинг меросига ўша давр мафкураси таъсирида ёндашув бўлганлиги тарихий ҳақиқатдир. Масалан, собиқ шўро мафкураси ҳукмронлиги даврида унинг шахсияти ва ижодий мероси ана шу мафкураси ҳукмронлиги

даврида унинг шахсияти ва ижодий мероси ана шу мафкура асосида баҳоланди. Мустақиллик йилларида эса бу масалаларга миллий мафкурамиз умуминсоний қадриятлар ҳамда халқимизнинг маънавий мероси нуқтаи назаридан ёндошиш имкониятлари яратилди.

Буюк шоирнинг ижодини ўрганиш жараёнида ҳар бир ўқувчи унинг асарларида такрор-такрор ишлатилган “инсон”, “одам”, “инсоф”, “садоқат”, “тинчлик”, “яхшилик”, “ростгўйлик”, “юрт ободлиги”, “илм”, “вафо”, “меҳнат”, “халқ фаровонлиги”, тўғрилиқ” каби ижтимоий-сиёсий, ахлоқий мазмунга эга бўлган сўз ва ибораларни учратиши аниқ. Бу ўз-ўзидан унинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий масалаларга катта эътибор берганлигидан далолат беради. Навоийнинг ижоди ижтимоий-фалсафий мазмунга бой. У ўз асарларида ижтимоий-сиёсий, фалсафий масалаларга оид ғояларини ахлоқ масалалари билан боғлиқ ҳолда баён этади. Инсоннинг моҳияти, унинг улуғворлиги, маънавий олами ва ижодкорлик кучи, гўзаллиги, меҳнати, одоби, хулқ-атвори, қобилияти масалалари Навоий ижодининг асосий мазмунини ташкил этади.

Инсонни улуғлаш, инсонга бўлган чексиз меҳр-мухаббат буюк мутафаккир ижодининг асосий ғояси деб ҳисоблаш мумкин. Инсонга олий зот, олий қадрият сифатида бўлиш Навоийнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий, ахлоқий қарашларида асосий мавзу бўлганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Мана шу нарсага эътибор қаратиш керакки, Навоий ўзининг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қарашларида ўзи яшаган замоннинг, ўша даврдаги амалдорларнинг адолатсизлигини, инсофсизлигини, иккиюзламачилигини ва халқ манфаатини кўзламаслигини очиқ ойдин танқид қилади. Ҳазалларида маишатпараст, адолатсиз подшоҳни, ёлғончи, ўз манфаатини кўзловчи инсофсиз амалдорни золим ёр орқали ифодалайди. Навоийнинг маънавий, адабий мероси ниҳоятда бой. Унинг бой мероси Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий, фалсафий таълимотнинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Алишер Навоий ўзининг ижодий фаолияти ва амалий ишлари билан жаҳон маданиятининг равнақиға улкан хисса қўшганлиги жаҳон халқларига

маълум. АҚШнинг собиқ Президенти Р.Рейган Москва шахрига ташриф буюрган кунларида Москва давлат университети талаблари билан учрашган эди. Ана шу учрашув пайтида қуйидаги фикрни билдирган эди: “Достоевский заминида ҳақиқат излаш, Кандинский ва Скрябин ватанида тасаввур, ўта бой маданият вакили бўлиши Алишер Навоий заминида гўзаллик ва самимият тўғрисида сўзлаш зарурми?”

Жаҳоннинг энг йирик мамлакати ҳисобланган АҚШ нинг собиқ президентининг бундай баҳоси Алишер навоий шахсининг буюклиги, унинг жаҳон адабиёти тараққиётидаги муносиб ўрни ҳамда ўта бой маданият яратган ўзбек халқининг жаҳон маданияти равнақидаги беқиёс ҳиссаси борлигини кўрсатди. “Ўта бой маданият вакили” бўлмиш Алишер Навоий мутахассис сифатида сиёсатчи ёки файласуф бўлмаган. Лекин у чуқур мазмунга эга бўлган ҳаёт фалсафасини яратган. Навоийнинг ҳаёт файласуфи бўлганлигини унинг асарларида олға сурилган фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий мазмундаги ғоялар ҳар томонлама тасдиқлаши мумкин. Бу ғоялар буюк шоирнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий дунёқараши нақадар кенг ва бой бўлиб ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини ифодалайди.

Марказий Осиё тарихида кўплаб мутафаккир ўзларининг илмий фалсафий ва адабий асарларида ўзларининг фалсафий ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-ҳуқуқий ғояларини баён этганлар. Алишер Навоийнинг улардан фарқли жиҳати шундан иборатки, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-ҳуқуқий ғояларини баён этишидан ташқари узок йиллар давлат арбоби сифатидаги фаолиятида бу ғояларнинг ҳаётга тадбиқ этилишида жонбозлик кўрсатган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий соҳаларда ислоҳотларни амалга ошириш, халқнинг фаровонлик даражасини янада кўтариш, мамлакатимизнинг ободонлигини таъминлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларни ҳаётга тадбиқ қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга

оширилаётган туб ўзгаришларнинг тарихий илдизлари Навоийнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ҳам ўз кўринишига эга бўлган.

Навоийнинг ижтимоий-сиёсий ғоялари, халқнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш ва маданиятни юксалтириш тўғрисидаги ғоялари ҳамда ана шу ғояларни ҳаётга тадбиқ этишдаги буюк шоирнинг фаолияти хорижий мамлакатлар олимлари томонидан юқори баҳоланмоқда. Масалан, АҚШ олимлари Томас Лонтс ва Глени Лоуври ўзларининг 1989 йилда Вашингтонда чоп этилган “XV аср темурийлар даврида форс санъати ва адабиёти” номли китобида қуйидаги фикрни билдирадilar: XV аср охирида темурийлар салтанатининг маданий ҳаётига жуда муҳим таъсирини ўтказган инсон Мир Алишер Навоий бўлиб, у янги сиёсий ва иқтисодий шароитни яртаишда ғоят катта ёрдам таъкидлаш жоизки алишер Навоий фалсафий, ижтимоий-сиёсий таълимотнинг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшган. Унинг асарларида ўз замонаси учун ҳамда ҳозирги давр учун ҳам аҳамиятли бўлган илғор ва тараққийпарвар, инсонийлик, халқпарварлик руҳи билан суғорилган фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-ахлоқий ғоялар катта ўрин эгаллайди. Бу ғоялар унинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти билан чамбарчас боғлиқлиги учун ўзига хос хусусиятга эга.

Давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш, мамлакатда тартиб қоидаларнинг ўрнатилиши, халқ фаровонлигини ошириш, юрт бирлигини тарқоқлик балосидан асраш, ортиқча солиқларга йўл қўймаслик, муҳтожларга кўмак бериш, давлатни идора қилишда халқ манфатини кўзлаш, амир ва беклар ўртасидаги тожитахт учун олиб борилган фожеали ҳаракатларга йўл қўймаслик, мамлакатда маданиятни, ободончилик ишларини ва илм-фанни ривожлантириш, болаларга таълим-тарбия бериш ҳақидаги Навоийнинг ғоялари унинг ҳаётий ва ижодий фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этади.

Дунёдаги барча мавжудотларнинг “шарифи”, моддий ва маънавий неъматларнинг ижодкори, беқиёс олий қадрият ҳисобланиши инсон, унинг камолоти, маънавий дунёси, ахлоқ-одоби, фазилатлари, ижодий кучи ва

қобилияти, меҳнати ва бошқаларга муносабати каби масалалар Алишер Навоийнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-ахлоқий ғояларида алоҳида аҳамиятга эга. Навоийнинг фикрига кўра давлат раҳбари доимо “халқ ғами” билан яшаши, инсонпарвар, халқпарвар, саховатли, мурувватли ҳокимият эгаси бўлиши, халқ фаровонлиги, юрт ободонлиги учун жон куйдирадиган юксак ахлоқли бўлиши кераклигини такрор-такрор асарларида таъкидлаб ўтади.

Ўрта аср Ўрта Осиё мўғуллар босқинига қадар бўлган даврларда юқорида номлари тилга олинган буюк мутафаккирлар ахлоқшунос олимлардан ташқари фан, маърифат, маданият, адабиёт, санъат соҳасида ижод қилган алломалар кўплаб топилади. Улар томонидан яратилган тарихий обидалар мўғуллар томонидан яқсон қилинди.

Темур ва темурийлар даврига келиб маданият ва илм-фан тараққий эта бошлади. Бу давр Марказий Осиёда Уйғониш даври номини олди. Бу даврда юзлаб буюк алломалар, олиму фузалолар, санъаткору-шоирлар етишиб чиқди. Улар орасида шеърят мулкининг султони Алишер Навоий (1441-1501) алоҳида ўрин тутади.

Алишер Навоийнинг юксак бадиий асарларида илғор фалсафий-ахлоқий ғоялар ижобий қаҳрамонлар образида акс этди, ахлоқий тушунчалар: адолат, садоқат, бурч, муҳаббат, раҳм-шафқат, мардлик кабиларда ўз ифодасини топган.

Алишер Навоий ўз даврининг ижтимоий-ахлоқий иқлимини соғломлаштириш учун ахлоқий муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор берди. У ўзининг барча инсонпарварлик ғояларини ахлоқий таъсир кўрсатиш йўли билан, амалга оширишга ҳаракат қилди.

Алишер Навоий учун ахлоқ, энг аввало, амалий фан (илми амалия) бўлиб, унинг аҳамияти жамият аъзоларини тарбиялашда яққол кўзга ташланади. Алишер Навоийнинг таъкидлашича, ахлоқ-яхшиликка (фазилат) қўшилиш (ижтиноб) ва нуқсонлар (разолат)дан тийилиш (ихтисоб) усулидир<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Арипов М. Философские и этические воззрения Алишера Наваи. Автореферат канд. дисс.-Л., 1971.С-13 .

Алишер Навоийнинг ахлоқ ҳақидаги ғояси ўз моҳиятига кўра инсонпарварликка асосланган бўлиб, ахлоқ ёрдами билан кишилар биргаликда, бир-бирларига ахлоқий таъсир кўрсатиш, яхши ишларга чорлашга, ёвузлик ва ярамас нуқсонларга қарши курашишга қаратилгандир.

Алишер Навоий ахлоқни идеал тушунча эмас, балки инсонлар ўртасидаги реал муносабатларни, уларнинг оила ва жамиятдаги феъли ва хулқ-атворини тартибга солиб турадиган тушунча, деб билди.

Бу ҳақда Алишер Навоий "Махбубул-қулуб" рисоласида шундай ёзади: "Ҳар тоифанинг хислатларидан маълумотлари ва ҳар табақанинг аҳволдан билимлари бўлсин, кейин муносиб кишилар хизматига югурсинлар ва номуносиб одамлар суҳбатидан тортинишни зарур билсинлар ва барча одамлар билан махфий сирлардан сўз очмасинлар, шайтон сифатлар хийла ва адоватларга ўйинчоқ бўлиб қолмасинлар. Кимки ҳар хил кишилар билан суҳбатлашиш ва яқинлашишни хавас қилса, бу каминанинг тажрибаси ўшалар учун етарлидир"<sup>1</sup>.

Алишер Навоийнинг бой ахлоқий меросида ахлоқнинг моҳияти, мазмуни ва тушунчасига доир фикрлар, қарашлар, тамойиллар аксарият унинг асарларидаги ижобий қахрамонлар қиёфасида ўз ифодасини топган.

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14 т.. Тошкент: Ғ.Ғулом,

## ХУЛОСА

“Ўзликни англаш, энг аввало, ўтмишни ўрганишдан, тарихни билишга эҳтиёж сезишдан бошланади, - деб тўғри таъкидлайди сиёсатшунос олим Н.Жўраев.<sup>1</sup> Дарҳақиқат ўзини англаётган, ўзини тушунаётган ҳар бир одам қандай оилада дунёга келгани, ўз аجدодлари кимлар бўлгани, ота-боболарини нималар билан шуғуллангани ва қандай умр кечиришганини билиб олишга интилади. Уларнинг фазилатлари ва мерослари билан фахрланиб яшайди”. Шу маънода халқимизнинг ахлоқий меросини ўрганиш, илмий-назарий таҳлил қилиш, уни ёшлар онги ва қалбига етказиш ва сингдириш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”. Маълумки, жамият тарихий тараққиётида инсонга хос бўлган қадриятлар мавҳум тушунчалар йиғиндисидан иборат бўлиб қолмасдан, балки улар маълум бир ижтимоий тарихий шарт-шароитларнинг тақозоси маҳсули сифатида, конкрет воқелик ва ҳаёт фалсафаси билан узвий боғлиқликда вужудга келган ва ривожланиб борган. Тарих фалсафасининг энг муҳим ва мазмунли саҳифасини маънавий -ахлоқий мерос ташкил этади.

Ахлоқ жамият маънавий меросининг таркибий қисми. Уни инсон маънавий меросидан айри ҳолда ўрганиш мумкин эмас. У табиат, ижтимоий муҳит, инсоннинг турли муносабатларини ўрганиш, мавжуд ҳодисани билиш ва уни ўзгартиришга бўлган узлуксиз интилиш жараёнида сайқалланиб, халқнинг маънавий фазилатларини бойитишга олиб келади. Фақат бугунгина эмас, у кўп асрли маънавий мерос асосида шаклланиб, бошқа халқлар билан узлуксиз маданий алоқаларни, маънавий-фалсафий қадриятларнинг ўзаро алмашинуви жараёнида бойиб ривожланиб келади. Зотан, тарих- тафаккур маҳсули. Ўтмишимизда бўлган ҳар бир ҳодиса маълум маънавий-руҳий, маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий муҳит таъсирида юз берган. Ушбу тадқиқот жараёнида, ана шу тарихий ҳақиқатни ёритиш, бой ахлоқий меросимизни

---

<sup>1</sup> Жўраев Н. Тарих фалсафаси. Тошкент: Маънавият, 1999. 19 бет.



кишилар онги ва шуурига етказиш, шу аснода уларни фикрлашга, ўтмишни идрок қилиб, келажакни ақл йўриғи билан танлаш каби фалсафий муаммоларни ҳал этиш вазифаси олдинга қўйилди. Бу муаммонинг ечимини топишда буюк аждодларимизнинг тарихий- фалсафий мероси асос қилиб олинди. Ўрта Осиё мутафаккирлари фалсафий-ахлоқий мероси негизида инсон ва унинг моҳияти, инсонга хос бўлган кадр-қиммат, адолат, садоқат, бурч, вафо ва эзгуликка йўлловчи қадриятларнинг мавжуд эканлиги ҳеч кимга сир эмас. У жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий шароити, турмуш тарзи ва маънавий тараққиёти билан узвий ҳолда ривожланади ҳамда муайян жамиятдаги қавмлар, халқлар, миллатлар маънавий ривожланиш даражасини белгилаб берадиган гўёки барометрдир. Юзаки қараганда, ахлоқ ва ижтимоий раванқ алоҳида тушунчаларни англатаётгандек туюлади. Аслида эса ахлоқ ижтимоий раванқнинг таркибида бўлади. Жамиятнинг тарихий тараққиёти даражаси, кўлами, шунингдек, муайян ижтимоий муҳитда мавжуд бўлган жамият ва фаолият кўрсатаётган инсонларга баҳо берадиган нарса ахлоқдир. Жамият аъзоларига баҳо берадиган ахлоқ нисбий хусусиятга эга бўлиб, ижтимоий ҳаёт билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади ва ўзгариб боради. Ахлоқ фақат жамият аъзоларига баҳо берадиган ижтимоий ҳодисагина эмас, у ижтимоий ҳаётнинг бир босқичидан иккинчисининг фарқи, кўлами, даражаси, шунингдек, муайян жамиятдаги синфлар, ижтимоий гуруҳлар ахлоқи, ниҳоят ахлоқий мероснинг ворислик хусусияти масалаларини ўзида мужассам этади. Бу мужассамлик ижтимоий раванқда ўз ифодасини топади.

Ўрта Осиё мутафаккирлари жамият маънавий юксалишига ўзларининг адабий, бадиий, фалсафий ва ахлоқий қарашлари билан улкан ҳисса қўшган олиму-фузалолардир. Ҳозиргача республикамизда чоп этилган қатор илмий асарларда улуғ бобокалонларимизнинг меросини илмий-фалсафий таҳлил қилиш асосан Аҳмад ал Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Махтумқули, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Муқимий, Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат ва бошқаларнинг фалсафий ва ахлоқий қарашларига

доир қарашлари ўрганиб келинган. Аммо дунё фалсафий тафаккурида ўчмас из қолдирган Аҳмад Яссавий, Мир Саййид Кулол, Хожа Баховуддин Нақшбанд ўнлаб буюк алломаларнинг фалсафий – ахлоқий мероси эътибордан четда қолиб келди. Ислом динининг фалсафаси ва шариати, инсониятни комиллика даъват этувчи буюк таълимоти ўрганилмай келинар эди. Тасаввуф фалсафаси, унинг чуқур инсонийлик мазмуни узоқ вақт илмий таҳлилга муҳтож бўлиб келди ва бугунги кунда ҳам шундай тадқиқотларга эҳтиёж катта.

Мустақиллик шарофати билан бу соҳани ҳам атрофлича илмий таҳлил қилишга кенг имконият яратилди. Ахлоқий мероснинг муҳим хусусиятларини илмий-фалсафий таҳлил қилиш йўлга қўйилди.

Илмий таҳлил қилиш жараёнида ахлоқий меросни ўзига хос учта кўринишга эга эканлигига эътибор қаратиш муҳимдир. Булар: кишиларнинг кундалик амалий турмуши билан боғлиқ бўлган, ижтимоий ҳаёт тарзи асосида келиб чиққан талабларни ифодаловчи ахлоқий қарашлар; ислом дини вужудга келиши билан унинг қоида-қонунлари билан узвий боғлиқ бўлган диний ахлоқ ва ниҳоят, ислом дини бағрида вужудга келган иймон-эътиқод, ҳалоллик, сабр каби қатор инсонга хос бўлган ахлоқий ғояларни, тушунчаларни фалсафий таҳлил қилишга қаратилган тасаввуф таълимотидир.

Ўрта Осиё мутафаккирлари ахлоқий қарашларининг муҳим хусусиятлари ҳақида фикр юритганимизда, асосан, тасаввуф таълимотидаги ахлоқ, ахлоқий меросга муносабат ва тасаввуф таълимотининг йирик асосчилари ахлоқий меросининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат эканлигини, унинг туб моҳиятини жонли мисоллар асосида кўрсатиб беришга ҳаракат қилинди. Асосан, тарихий ахлоқий меросни фалсафий тафаккур орқали таҳлил қилишга жиддий эътибор берилди.

Республика Президенти И.А.Каримов ўз асарларида илгари сурган ахлоқий мерос ва баркамол инсонни тарбиялаш муаммоси ҳақидаги ғояларининг илмий-фалсафий, назарий, амалий тадқиқот сабоқлари шунга олиб келадики, маданий-маърифий юксаклик ижтимоий-фалсафий тараққиёт, иймон-эътиқоднинг бутлиги, миллий ахлоқ-одоб қоидаларига тўла риоя қилиш, илм

маърифатли бўлиш, инсонпарварлик, халқпарварлик, миллий кадриятларга мухаббат, жасурлик, покланиш, ислом динига эътиқодлилиқ, мустақилликни доимо ҳимоя қилиш ҳозирги вақтдаги долзарб муаммолардан бири сифатида талқин қилиш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда саҳасида меҳнат қилаётган олим мутахассисларга мурожаат қилмоқчиман: Сизлар миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этсин, ғурурини уйғотсин. Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳақиқий тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас-дейди. Фалсафа тарихини таркибий қисми бўлган ахлоқий меросимизни ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини илмий таҳлил қилиш ана шу вазифани бажаришга хизмат қилиши шуҳбасиз.

Ўрта Осиё мутафаккирлари ахлоқий меросини тадқиқ этиш ва уни халқимиз онги ва қалбига сингдириш кенг қамровли ва мураккаб жараёндир. Шундан келиб чиқиб, ахлоқий меросни тадқиқ этишнинг ўзига хос йўл-йўриқлари, йўналишлари, хилма-хил кўринишда эканлигини эътиборга олиб, уларнинг инсон ахлоқий тарбиясидаги муҳим аҳамияти ҳақида ўз қарашларимизни билдирдик. Бунда ахлоқий меросни тадқиқ этишнинг инсон тарбияси учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини атрофлича таҳлил қилиш учун Президент асарларида баён этилган назарий фикрларга амал қилинди. Президент ўзининг қатор асарларида, сўзлаган нутқларида ўтмиш аждодларимиз томонидан бизга мерос бўлиб қолган маданий-маърифий ахлоқий меросимизни асраб-авайлаш, мустақил республикамиз фуқаролари ахлоқий тарбияси учун бўлган аҳамиятини тўғри тушуниб, уни кундалиқ ҳаётга тадбиқ этиш муҳим муаммолардан бири эканлигини уқтириб келади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ўсиб келаётган ёш авлод онги, миллий ғурури ошган сари уларнинг ўз тарихи, маънавий-ахлоқий кадрияти, урф-одати, удумлари, маросимларига бўлган ихлосмандлиги ошиб бормоқда. Шу муносабат билан ушбу муаммони тадқиқ қилган Б.Очилованинг «кишиларни, айниқса, ёшларни машхур аждодларимизнинг меросига ихлосмандлик руҳида

тарбиялашга, уларни неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва кадриятларга эга эканимизни хис этиб яшашга ўргатиш»<sup>1</sup> зурурлиги тўғрисидаги фикри айтилган. Ахлоқий меросни ўрганиш ва уни ёшлар онгига сингдириш борасида кейинги йилларда самарали ишлар амалга оширилди.

Хусусан, салафларнинг ахлоққа оид асарлари чоп қилинди, форс, араб, турк тилидаги қўлёзма ва тошбосма асарлар ўзбек тилига таржима қилинди, кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилди, бир қатор номзодлик ва докторлик ишлари химога қилинди<sup>2</sup>. Булардан ташқари, мактаб, коллеж ва олий ўқув юртларида аждодларимизнинг фалсафий ва ахлоқий мероси, педагогик қарашлари ўқув дастурларига киритилган. Буларнинг ҳаммаси баркамол авлодни етук инсонлар қилиб тарбиялашда, ўтмиш мутафаккирларининг юксак ахлоқий фазилатлар, умуминсоний кадриятлар ҳамда инсонпарварлик тўғрисидаги қарашлари, урф-одат ва удумлар, маросимлар, ёшлар маънавияти, турмуш тарзи, ҳуқ-одоби ва дунёқарашини шакллантириш, кенгайтириш ва чуқурлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, қилинаётган бу тадбирлар хали етарли эмас, чунки ёшлар орасида ота-она, қарияларни ҳурмат қилмайдиган, фирибгарлик, ёлғончилик, ўғирлик, зўравонлик ва бошқа жамиятга хилоф ишлар билан шуғулланаётганлар топилади. Мана шундай шароитда ёшлар орасида таълим-тарбия ишларини кучайтириш, ташвиқот ва тарғибот ишлари усулларида фойдаланиш, Ўрта Осиё мутафаккирлари яратган бой маънавий меросини ўрганиш яхши самара бериши мумкин. Ёшларда аждодларимизнинг ахлоқий меросига, панд-насихатларига муҳаббат уйғотиш, ватанпарварлик ҳамда одамийлик хиссини кучайтириш таълим-тарбиянинг муҳим вазифасига айланмоғи лозим.

Ахлоқий меросни янада чуқур ўрганиш ва уни шахс маънавий тарбиясидаги ролини ошириш юзасидан қуйидаги таклифларни илгари сурамиз: - маънавий

---

<sup>1</sup> Очилова Б. Шахс маънавий камолотида ихлосмандлик ва ибрат бирлиги. –Тошкент.: Ўзбекистон, 2004. Б.140.

<sup>2</sup> Улар диссертациянинг «Библиография» қисмида берилмоқда.

меросимизни фалсафий–тарихий жиҳатдан тадқиқ этишни шахсни жамият равақида тутган ўрни ва роли билан боғлиқ ҳолда ёритиш; бой ахлоқий меросимизни миллий истиқлол ғояси руҳида ҳар томонлама тадқиқ этишнинг назарий-методологик муаммоларини принципиал жиҳатдан ишлаб чиқиш ва бойитиш; ахлоқий меросимизнинг фалсафий, илмий назарий, бадиий, эстетик, диний, тасаввуфий асосларининг хусусий ва умумий жиҳатларини асослаш; кенг кўламда юз бераётган глобаллашув жараёнида ахлоқий меросни асраб-авайлаш ва уни кенгайтириш; ахлоқий меросни амалий жиҳатдан ўзлаштириш мақсадида; ахлоқий мерос, мутафаккирларнинг ахлоққа оид қарашлари руқнида илмий асарлар, рисоалар, хрестоматиялар, тўпламлар чоп этиш муҳимдир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Маънавият.2008.
2. Каримов И.А Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-т. - Тошкент: Ўзбекистон, 2004. 400-б
3. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-т. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. 448-б
4. Каримов И.А Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 77 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.- Тошкент: Ўзбекистон, 1992. 62- б.
6. Аликулов Х.А. Этические воззрения мқслителей Средней Азии и Хорасана (XIV-XVвв). / Х.А.Аликулов; Под ред.: М.М.Хайруллаева; АН. РУз; Институт философии и права.- Ташкент: Фан, 1992. 98 с.
7. Аликулов Х.А. Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолоти. . Ташкент: Фан, 1992. 98 с.
8. Авесто. Тарихий – адабий ёдгорлик. Тошкент: Шарқ, 2001. 34 бет.
9. Арипов М. Философские и этические воззрения Алишера Наваи. Автореферат канд. дисс.-Л., 1971.С-13 .  
Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14 т Тошкент: F Фулом, Б.36
11. Беруний Абу Райҳон “Хиндистон” Тошкент: Фан, 1966. 485 бет.
12. Жўраев Н. Тарих фалсафаси. Тошкент: Маънавият, 1999, 19 бет. 13. Жумабоев Й. Ўрта Осиё ахлоқи тарихи очерклари. (Энг қадимий замонлардан Улуғ Октябрь социалистик революциясигача). Тошкент: “Ўзбекистон”, 1980. 247 бет.
14. Ибн Сино. Тадбир-э манзил. Техрон, 1319 хижрий. 4-45 бетлар.
15. Ибн Сино. Донишнома. Таджик Госиздат. 1957. 268 бет.
16. Навоий А. Асарлар. 15 – жилд Тошкент: 1968.132 бет.
17. Форобий Абу Наср. Рисолалар. Тошкент: Ўзбекистон 1975. 85,64-86; 132-136 бетлар.

18. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993. 126-191бетлар
19. Форобий Абу Наср. Фазилат, бахт-саодат ва камолот хақида.Тошкент: Ёзувчи, 2001. 12 бет.
20. Фирдавсий Абул Қосим. Шохнома. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент: 1975. 21 бет.
21. Фарзанд тарбияси, ахлоқ ва оила муносабатлари. Маърузалар ва мақолалар. /Тузувчи. А.Юнусов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси.- Тошкент: Мовароуннахр, 2002. 67 бет.
22. Фролов И.Т. Перспектива человека. М. 1979. Стр. 456-457.
23. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири.Тошкент: 1971. 242 бет.
24. Хайруллаев М. Мироззрения Фараби и его значение в истории философии. Тошкент: Фан, 1963. 315 бет.
25. Хайруллаев М. Форобий. Тошкент: Ўзбекистон, 1963. 50-210 бетлар.